

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ  
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА  
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ  
САНЪАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ “МУЗЕЙШУНОСЛИК”  
КАФЕДРАСИ**

**ДЎСТНАЗАРОВА МАХФУЗА БАХТИЁРОВА**

**ДАЛВАРЗИНТЕПА АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАРИГА ОИД  
ТАДҚИҚОТЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА МУЗЕЙЛАШТИРИШ**

5150200-Санъатшунослик (музей иши ва маданий мерос  
объектларинисақлаш) ихтисослиги бўйича  
“бакалавр” даражасини олиш учун тақдим этилган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Илмий раҳбар: “Музейшунослик”  
кафедраси доценти М.Мухамедова

**ТОШКЕНТ 2019**

Музейшунослик кафедраси 2019 йил ”\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_\_ - сонли мажлисда муҳокама этилган ва факультет Кенгашига кўриб чиқиш учун тавсия этилган.

**Кафедра мудири** \_\_\_\_\_

**К.С.Нишонава**

Санъатшунослик факультетининг 2019 йил ”\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_\_ - сонли мажлисда муҳокама этилган ва факультет Кенгашига кўриб чиқиш учун тавсия этилган.

**Факультет декани** \_\_\_\_\_

**Б.Ю.Сангиров**

М.Ў.

**Тақризчи :** \_\_\_\_\_

(илмий даража, илмий унвон.лавозими Ф.И.Ш.)

Ҳимоя 2019 йил ”\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўтказилди.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ 123 уй**

## МУНДАРИЖА

|   |              |
|---|--------------|
| <b>Кириш</b>  | <b>4-8</b>   |
| <b>I БОБ. ДАЛВАРЗИНТЕПА АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР ТАВСИФИ</b>  |              |
| 1.1. Далварзинтепа археологик объектнинг тарихий тавсифи  | 9-21         |
| 1.2. Далварзинтепада археологик объектида олиб борилган тадқиқотлар   | 21-32        |
| <b>II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ, МУЗЕЙЛАШТИРИШ ВА МАДАНИЙ ТУРИЗМДА ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ</b> |              |
| 2.1. Жаҳондаги музейлаштирилган археологик объектлар тажрибасини ўрганиш ва уларнинг туризм инфраструктурасидаги ўрни   | 33-43        |
| 2.2. Далварзинтепа археологик объектини музейлаштириш масаласи ва миллий туризм ривожигаги ўрни                         | 43-53        |
| <b>ХУЛОСА</b>   | <b>54-57</b> |
| <b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>   |              |
| <b>ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАР</b>   |              |

## Кириш

“Маданий мерос объектларини ишончли қўриқлаш ва улардан одилона фойдаланиш тизимини такомиллаштириш мақсадида археологик тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва археологик топилмаларни сақлаш дастурини ҳам қабул қилиш лозим. Нега деганда, ҳақиқий олимлик, ҳақиқий ижодкорлик - бу игна билан қудуқ казишдек машаққатли иш. Буни билган одам билади, билмаган билиб олиши зарур”<sup>1</sup>.

**Шавкат Мирзиёев.**

**Тадқиқотнинг долзарблиги.** Бугунги кунда археологик объектларни музейлаштириш ва маданий туризм инфраструктурасида фойдаланиш муҳим вазифалардан саналади. Далварзинтепа ҳудудида илк давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари тарихи, маданиятини ўрганиш ва музейлаштириш долзарб масалалар қаторига киради. Бу объект фаолияти ва унинг таркибий қисмлари ўрганилган бўлсада, аммо етарли даражада ўрганилмаган, яъни тўлиқ шаклда бирлашган ҳолатда баён этилмаган. Неча асарлардан буён бу объект ўз бағрида кўплаб ноёб, нодир ва қадимий санъат асарларини сақлаб келмоқда. Бу борада қадимги Далварзинтепа фаолияти тарихини илмий асосда ўрганиб чиқиш, чуқур таҳлил этиш ва археологик объектни мавжуд ҳолатида сақлаб қолиш режасини ўрганган ҳолда музейлаштириш босқичларини ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг муҳим жараёнларидан ҳисобланади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 25-декабрь куни маданият ва санъат соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилишдаги нутқидан. <http://kun.uz>

Далварзинтепа археологик объектидан топилган жуда ноёб ва кўплаб топилмалар бор, аммо бу экспонатларни сақлаш, сайёҳларга тақдим этиш учун объект яқинида музей йўқ. Айти пайтда музейлаштирилган объект билан бир қаторда Далварзинтепадан топилган ашёлар экспозицияларини ташкил этиш, ҳар бир топилмани алоҳида ўрганиб, уларни авайлаб асраш, келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш, маҳаллий ва хорижий сайёҳларга янада кенгрок тарғиб қилиш имконияти Ўзбекистонда маданий туризм салоҳиятининг ошишига хизмат қилади. Ҳозирги кунда Далварзинтепа тарихи, маданияти жаҳон кўзгуси нигоҳида бўлишига қарамасдан ўз жойида етарлича эътиборга, шароитга эга эмас.

**Илмий изланишнинг мақсад ва вазифалари.** Далварзинтепа археологик объекти тарихи ва маданиятини музейлаштириш жараёнларини ишлаб чиқиш, ўрганишдан мақсад мавжуд тарихий жараённи ўрганиш ва музейлаштиришдир. Ушбу мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифалар белгиланади:

- Далварзинтепа археологик объектининг тарихий тавсифини ўрганиш, объектлар ва уларнинг илмий аҳамиятини тадқиқ этиш;
- Далварзинтепада олиб борилган тадқиқотлар, археологик экспедициялар, асосий топилмалар хусусиятларини таҳлил қилиш;
- Жаҳондаги музейлаштирилган археологик объектлар фаолиятини ўрганиш ва улар тажрибасини ўрганилаётган объект мисолида туризм инфраструктурасида қўллаш имкониятларини таҳлил қилиш;
- Далварзинтепа археологик объектини музейлаштириш ва миллий туризмни ривожлантиришдаги ўрни борасида илмий фаразларни тақдим этиш.

**Мавзунинг ўрганилиш даражасининг қиёсий таҳлили.** Далварзинтепа археологик объектинининг тарихий тадрижий ривожланиш омиллари ва тадқиқотлар тавсифига оид илмий манбалар яратилган бўлиб, аммо музейлаштириш жараёнларига оид алоҳида нашрлар йўқ. Қадимий

Далварзинтепа археологик объектида амалга оширилган қазилма ишлари, ноёб топилмалар ва терракоталар ҳақида К.Абдуллаев, Т.Аннаевнинг “Раскопки на городище Далварзинтепа в 1979-1981 г.г.”, Л.И.Альбаумнинг “Балалик-тепе”, Ю.Ф.Бурякованинг “Археология и история Центральной Азии”<sup>2</sup> каби илмий адабиётларидан маълумотлар олинди.

Л.И.Ремпель, Г.А.Пугаченкованинг “Искусство Бактрии эпохи Кушан”, В.В.Вертоградованинг “Каратепа-Юго-Восточная индия: к находке новой надписи брахми на Каратепе” ва бошқа шу асосдаги илмий адабиётларида археологик объектларда олиб борилган илмий экспедициялар тавсифи ва хулосалари баён этилган<sup>3</sup>. Бундан ташқари Далварзинтепа археологик объектини музейлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда Р. Алмеевнинг “Пойканд шахрини музейлаштириш” илмий мақоласида берилган илмий хулосалардан ҳам унумли фойдаланилди. М.Мухамедованинг “Музей ва туризм”, Ж.Х.Исмаилованинг “Замонавий музейшунослик асослари”, Э.В.Ртвеладзенинг “Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши” каби илмий мақолаларидан эса археологик объектларни музейлаштиришда маданий туризмнинг ўрни қисман тадқиқ этилган<sup>4</sup>. Битирув малакавий ишини ёритишда хорижий адабиётлардан Р. Edward Alexander “Arthur Hazelius and Skansen: The open air museum”, L.Scott Pottery “A history of the technology and ceramics for the archeologist” илмий адабиётлари орқали археологик объектларни тадқиқ этиш, музейлаштириш, ноёб керамик топилмаларни

---

<sup>2</sup> Абдуллаев К, Аннаев Т. Раскопки на городище Далварзинтепа в 1979-1981гг. // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 23. Ташкент. 1990. 231 с; Альбаум Л.И. Балалик-тепе.-Ташкент: Фан, 1960. 165 с; Ю.Ф. Бурякованинг “Археология и история Центральной Азии”. – М. 2001. 214 с.

<sup>3</sup> Пугаченкова Г. Ремпель Л. Очерки искусства Средней Азии.-М.: Искусство.,1982.- 270 с; Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана.- М.: Искусство.,1965. – 688 с; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана.-Т.: Издательство художественная литература.,1960. - С.328; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Пугаченкова Г.А. Искусство Бактрии эпохи Кушан.-М.:Искусство., 1979. - С.246; Пугаченкова Г.А. Скульптура Халчаяна.-М.:Искусство.,1971. – С.67. Вертоградова В.В. Каратепа-Юго-Восточная индия: к находке новой надписи брахми на Каратепе // Индия и Центральная Азия - Ташкент., 2000. 186 с;

<sup>4</sup> Алмеев Р. “Пойканд шахрини музейлаштириш”-Т.: ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашри. 1960. – 234 с.; М.Мухамедова “Музей ва туризм”-Мозийдан садо. –Тошкент, 2016. - №4. - Б.18-19; Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый пут.-Т.: Ўзбекистон Миллий комуси.,1999.-С.280; Ртвеладзе Э.В. Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши.-Т.: Санъат.,2009. – 240 б.

экспозицияга қўйишда Европа музейшуносларининг иш тажрибалари таҳлил қилинди<sup>5</sup>.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Сурхондарё вилояти Шўрчи туманига қарашли Далварзинтепа археологик объекти кўп ўрганилган, тадқиқ этилган мавзулардан бири бўлишига қарамасдан, шу кунга қадар ўз музейига эга эмас. Археологик объект ҳудуди ҳам давлат муҳофазасига олинмаган. Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги Далварзинтепа археологик объектини музейлаштириш, объектдан топилган экспонатларни ўрганиш ва рўйхатини шакллантириш ҳамда сайёҳлик туризм йўналиши тизимига киритишдир.

**Тадқиқотнинг предмети ва объекти.** Тадқиқотнинг объекти Далварзинтепа музейини яратиш ишларини ўрганиш ва топилган экспонатлар тавсифи ва рўйхатини шакллантириш мазкур малакавий битирув ишининг тадқиқот предмети дир.

**Тадқиқотнинг илмий аҳамияти.** Битирув малакавий тадқиқотнинг илмий аҳамияти Далварзинтепа археологик объектини ўрганиш, объектдан топилган экспонатларни таҳлил этиш, ҳамда Далварзинтепа археологик объектини музейлаштириш лойиҳа изланишлари тадқиқотнинг асосий илмий аҳамиятини белгилайди.

**Битирув малакавий ишининг таркибий қисми.** Тадқиқот ишининг таркибий тузилиши кириш, икки боб, тўрт бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

Биринчи бобда “Далварзинтепа археологик объектига оид тадқиқотлар тавсифи” деб номланиб, унда Далварзинтепа археологик объектининг

---

<sup>5</sup> Chaykowski F. Muzea na wolnym powietkru w Europie.-Sanok, 1984. // Edward P;Alexander. Arthur Hazelius and Skansen: The open air Museum//Museum Masters, Their Museum and Their Influence.-Neshville,Tenn.;American Asosiation for State and Local History, 1983. - P.239-276.; // J. K., Kerstler D.L. Past perfect: Exploration of Heritage tourism park and recreation. 2000 №2. - P.28-38 // Edward P: Alexander. Arthur Hazelius and Skansen: The open air museu // Museum Masters, Their museums and Their Influence.-Neshville, Tenn.; American association a for an Local history. 1983. - P. 239-276. // Drews G. Entwicklung der Keramikbrenofen// Acta prachistorica et archeolohica. 1978/1979. Bonn. V. 9/10, 1979. - P.11. // Scott L. Pottery: A history of the technology. Oxford, 1958, vol Shipard, 1956-Shipard A. ceramics for the archeologist. Waschnngton. Veuve. 1987. Veuve S. Gymnase. Archetecture, Ceramicue sculpture.//MDAFA,T.XXX,Paris. - P.23.

тарихий тавсифи ва Далварзинтепа археологик объектида олиб борилган тадқиқотлар ҳақида маълумотлар берилган.

“Ўзбекистонда археологик объектларни тадқиқ этиш, музейлаштириш ва маданий туризмда фойдаланиш жараёнлари” деб номланган иккинчи бобда, жаҳондаги музейлаштирилган археологик объектларнинг туризм инфраструктурасидаги ўрни ва Далварзинтепа археологик объектини музейлаштириш масаласи ҳамда миллий туризм ривожигаги ўрни ҳақидаги маълумотлар ёритилган.



# Ў БОБ. ДАЛВАРЗИНТЕПА АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР ТАВСИФИ

## 1.1. Далварзинтепа археологик объектининг тарихий тавсифи

Ўзбек давлатчилиги тарихида катта аҳамиятга эга бўлган қадимий манбаларда алоҳида таҳлил этилган Кушон пойтахти ҳисобланган Далварзинтепа жаҳон цивилизациясининг муҳим марказларидан бири сифатида эътироф этилган. Кушон давлатининг подшоҳлари Куджула Кадфиз, Канишка, Хувашка ва бошқалар Далварзин шаҳрининг ривожланиши учун муҳим иқтисодий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган амалий ишларни бажариб, давлат дини сифатида буддавийликка оид ибодатхоналарни ҳашаматли қилиб барпо этганлар<sup>6</sup>. Кушон давлати қадимги Бактрия давлати ҳудудида шаклланган бўлиб бу жой Ўзбекистон жанубидаги Сурхондарё (Бахтруд-Чағонруд) яъни Ҳисор водийси ва Амударё ҳавзасининг юқори оқими (Кофирниҳон, Вахш дарёларининг куйилиш жойлари-Тохаристон) билан бирга энг сўнги геолог-тектоник кўтарилиш жараёнида Ҳисор-Помир-Олойлари билан Кунлин тоғлари орасида ҳосил бўлган. Помир ёни чўкмаси яъни Жануби-ғарбий Тожикистон чўкмасининг ижтимоий тамойиллари жиҳатдан ҳарбий қисмини ташкил этадиган барча хил табиий ижтимоий тамойиллар жиҳатидан жуда қулай имкониятга эга ўлкадир<sup>7</sup>. Академик Г.А. Пугаченкова ва Э.В. Ртвеладзелар Кушон давлати ҳудудидаги ёдгорликларда олиб борган тадқиқотлари натижасида бу ерда ўтроқ деҳқончилик маданияти ривожланганлиги, деҳқончиликда сув омборлар курилиб, сунъий суғориш тизимлари кашф этилганлиги, Миршоди ва Далварзиндан магистрал каналлар орқали янги ерларга сув чиқарилганлиги ерни ишлашда омовдан ва ҳайвон кучидан фойдаланганлигини исботлаб берди<sup>8</sup>. Шундан хулоса қилиш мумкинки

<sup>6</sup>Ремпель.Л.И. Дальверзинтепе. Кушанский город на юге Узбекистана.//Ташкент.:Фан. 1978.- С.240.

<sup>7</sup>Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.1-жилд. Т.:ЎзМЭ.,2000. - Б.165.

<sup>8</sup> Ртвеладзе.Е.,Дальварзинтепе — Кушанский город на Юге Узбекистане, Т., Фан 1978.- С.64

сунъий суғоришга асосланган дехқончилик Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бронза давридаёқ шаклланган. В.М.Массон ҳар қандай экинларни кўп марта суғориш тизими ҳосилдорликни ошириб меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишига олиб келган деб таъкидланди.

Академик Э.Ртвеладзе ва археологик Б.Турғуновлар томонидан илмий тарихий жиҳатдан ўрганилган Далварзин шоҳлар саройи ва олов ибодатхонаси аҳолининг ижтимоий табақаланганлиги тўлиқ тасдиқлаб, ушбу ёдгорликда сарой ва ибодатхонанинг мавжудлиги Далварзин аҳолисини онгли бошқариш заруратининг тугалланганлигини кўрсатади. Кушон давлатининг пайдо бўлиши билан алоҳида ёки махсус зардуштийлик ва буддавийлик ибодатхоналари шаклланган. Қадимги Кушон подшолиги даврида ҳарбий ишлар соҳасига алоҳида эътибор берилган. Мудофаа иншоотига эга бўлган Далварзин ҳарбий истехкомлари баланд мустаҳкам иншоотларга эга бўлиб, улар қўшимча мудофаа деворлари билан ўралган. Бу мудофаа истехкомлари кенг ҳудудни химоя қилишга мўлжалланган бўлиб, бир неча қатор мудофаа деворидан ташкил топган деворлар ярим айлана шаклдаги буржлар билан мустаҳкамланган. Буржлар ҳам, деворлар ҳам шинаклар билан таъминланган<sup>9</sup>.

Далварзин тарихини илмий ўрганиш ва уни ҳолисона баён этиш бўйича юксак натижаларга эришилди. Далварзин тарихи билан шуғулланган жаҳон тарихшунослари мавзу бўйича ажойиб хулосалар тақдим қилишган. Кушон давлати ҳақидаги илк манбалар ушбу давлат негизида ташкил топган. Бақтрия тўғрисида Герадот асарларида, Ктесей Книдикс асарларида Бақтриянинг Қадимги Шарқ давлатлари ичида энг қадимгиларидан бири эканлиги<sup>10</sup>, кучли сиёсий давлат бошқарувига эга эканлиги, Бобил, Миср давлатлари қаторида қайд этилиб, Бақтрияликларнинг қурол-аслаҳалари, ҳарбий қўшиндаги тартиб интизоми, моддий маънавий маданияти ҳамда

<sup>9</sup>Турғунов.Б.А. Пугаченкова Г.А..Дом рядового горожанина.Т.: “Фан”. - С. 65

<sup>10</sup>Аскарлов.А. Буряков.Ю. Г.Пугаченкова и другие.Культура и искусства Узбекистана.-//каталог на двух томах. М.:Внешторгиздат., 1991 г. - С.87.

маҳаллий аҳоли ҳисобланган-бахтрлар, саклар, арийлар, хоразмийликлар, сўғдийлар ва дадиклар ҳақида тарихий манбалар қайд этилган.

Далварзин Шўрчининг қадимий тарихи билан боғлиқ Кушон давлати айнан Қадимий Бактриянинг шимолий ҳудудида пайдо бўлган Бактрия, Юнон Бактрия, Тоҳаристон, Кушон, эфталийлар, Турк хоқонлиги, Чоғониён, Темурийлар давлатларининг пайдо бўлиши ва ривожланишида асосий ҳиссага эга бўлганлиги билан машҳурдир. Кушон давлати маркази Далварзинтепа шаҳри 2 қисмдан яъни арк ва шахристондан иборат бўлиб унинг майдони 25х40 гектар бўлган. Шаҳарнинг пайдо бўлиши учун дастлабки манбалар милоддан аввалги иккинчи минг йилликларда хўжалик тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши натижасида милоддан аввалги биринчи минг йиллик бошларида Қизилтепа, Далварзинтепа ва бошқа тарихий объектларда шаҳарларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Академик И.Ртвеладзе ва археолог Б.Турғуновлар Далварзин мудофаа девори 40х40х42х10х12 смли хом ғиштлардан қилинганлигини 6,1 метр қалинликни ташкил этган мудофаа деворини куришда грек-бактрия усулидан кенг фойдаланиб девор устига кузатув миноралари қурилганлигини таҳлил этган<sup>11</sup>.

Далварзинтепа ва атрофдаги қатор тепаликларда кушон империяси ҳукмронлик қилган. Милодга қадар I асрдан милодий III асрларга хос кўп хилдаги муҳрлар топилган бўлиб, улар давлат иш юритишида фойдаланилган.

Ўша даврда воҳада иккита йирик марказ мавжуд бўлиб, бири Амударё бўйидаги Тармита (Термиз) бўлиб, иккинчиси эса Чағонруд (Сурхондарё) бўйидаги Далварзинтепа бўлган. Далварзинтепа Шўрчи шаҳридан 10 км шимоли шарқда жойлашган.

---

<sup>11</sup> Пугаченкова.Г.А. Кирпич из построек Дальверзинтепе //-Ташкент . Фан. 1982. - С.232

Далварзин шаҳри шубҳасиз йирик империянинг пойтахти бўлиб, атрофдаги кўпгина давлат ва вилоятлар унга қарашли бўлган. Кушон давлатининг сиёсий маъмурий маркази Далварзин, Кушон ва Толли маҳаллари ўртасида жойлашган бўлиб шаҳар икки қисмдан ташкил топиб мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралиб деворлар атрофи 15 метр келадиган хандақлар билан ҳимоя қилинган. Мудофаа хандақлари Вахшивор Толли сойларидан келадиган сув ҳамда Толли ота булоқларининг сувлари билан тўлдирилган. Шаҳарнинг маъмурий маркази бўлган биринчи бош Далварзин умумий майдони 5 гектарни ташкил қилиб унда арки аъло-подшоҳ саройи ва унинг девони жойлашган.

1962 йил археологлар маъмурий марказнинг 9 метр 60 см қалинликдаги пахса ва хом ғиштдан қилинган мудофаа деворини аниқлашди. Арка шимоли-шарқдан тўрт бурчак шаклдаги асосий шаҳар харобалари туташиб, унинг 10 метр баландликдаги деворнинг узунлиги 2,5 километрлиги аниқланди<sup>12</sup>.

2015 йилда девор ташқарисида қалашиб ётган сон саноксиз одам ва от суяклари тўдаси топилди. Далварзин шаҳрининг фақат бир дарвозаси бўлган, у подшо арки ёнида жойлашган. 1962 йилда Далварзиндаги 15 кунлик кидирув ишларида фақат подшоҳ арки деворининг қалинлиги, унинг пойдеворида қўйилган катта ҳажмдаги хом ғиштлар, пахса қаторлари ҳамда икки қатор девор борлиги аниқланди<sup>13</sup>.

1967 йилги илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб археологлар мудофаа деворларини 4 жойидан 100 метр узунликда қазиш натижасида шаҳар мудофаа деворлари қалин пахса ва хом ғиштлардан тикланганлиги аниқланди. Бу девор қалинлиги 8-10 метр бўлиб деворнинг баъзи жойларида мустаҳкам истехкомлар, буржлар ва аскар юриши учун мўлжалланган махсус йўлаклар борлиги ҳам исботланди. Шаҳарга кираверишда ўнг томонда бир

---

<sup>12</sup> Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии.-М.:Искусство.,1982. – С.270.

<sup>13</sup> Боровкова Л. А. Кушанское царство (по древним китайским источникам). — М.: Институт востоковедения РАН, 2005. — С. 312.

хунарманднинг 12 хонали уйи топилиб хоналар рўзғорга кенг ишлатиладиган сопол идишлар ип йигириш асбоблари ва I-II асрларга оид мис тангалар топилди. У ерда топилган идиш товоқлар диққатга сазовор бўлиб ўтмишда ота-боболаримиз рўзғорда асосан хумдонда пиширилган сопол идишлардан фойдаланганлар. Шаҳарнинг обрўли кишиларидан бўлган кулол устанинг уйи подшо саройининг нақ рўпарасида бўлиб унда кулоллар маҳалласи жойлашган. Унда 11 та хумдон, кулолнинг устахонаси ва истехком қиладиган хоналар жойлашган бўлиб бинода топилган идиш товоқларни нафис ва бир-биридан гўзал қилиб ишланганлиги аждодларимизнинг кулолчилик соҳасида ҳам юқори санъатга эришганлигидан дарак беради<sup>14</sup>. Шаҳристоннинг шимоли ғарбий қисмида қазилма ишлари олиб борилиб, тепаликлар остидан бой зодагонларнинг кўп хона уйлари борлиги аниқланди. Топилмалардан муҳимлари шаҳристон бойларининг уйлари қазилма жараёнларида иморатнинг нодир тарх нақшли ёғочнинг йўнилган қолдиқлари бўлди. Бу кушонлар даврига мос нақшли ёғочнинг илк намунаси эди. Худди шу жойда миллоддан аввалги I аср тасвирий санъатининг намуналари ҳам учраб, ноёб парчаларда от чоптириб кетаётган аскар тасвирланган. Бу ўша даврга мансуб дунёвий мазмундаги ноёб тасвирий санъат бўлиб уйдан мисли кўрилмаган олтин буюмлар хазинаси бўлиб ва ҳозирда дунёда энг қадимги шахмат доналари ҳам топилди. Шаҳарнинг шимолий қисмида мудофаа деворига яқинроқ жойда теп-текис майдон ўртасидаги чўққайиб турган тепалик остидан маҳаллий диндорларнинг ибодатхонаси топилди<sup>15</sup>.

Шаҳар кучли мудофаа истехкомлари тизимига эга бўлиб, бу ерда асл зодагонлар, хунармандлар, кулоллар, савдогарлар, руҳонийлар истехком қилишган. Далварзин шаҳри сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳарбий ҳаётда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Кушон давлатининг иқтисодий маданий тараққиёти натижасида мамлакат тизимининг жанубий ҳудудларида

<sup>14</sup> Керамика Дальверзинтепе. Е.Г. Некрасова и Г.А. Пугаченкова. // Ташкент: Фан. 1970. - С. 143

<sup>15</sup> Э.В. Ртвеладзе. Храм в северной части Дальверзинтепе. // Ташкент: Фан. 1969. - С. 87

давлатчилик бошқарув тизими мустаҳкам тараққий этиб, хўжалик, солиқ, пул муносабатлари, ҳарбий салоҳиятининг ўзига хос усуллари намоён бўлади. Далварзин шаҳри ўзбек давлатчилиги тизимидаги қадимий шаҳар ҳисобланиб милодий I-III асрларда жуда ривожланди. Милодий I асрда юечжилар тасарруфидаги Кушон мулкининг юксалиши натижасида вужудга келган массагетлар милoddан аввалги 140 йил Сирдарё ордидан Бактрияга келиб сакларни енгган ва юнон–бактрия подшолиги ўрнида бир аср давомида 5 қабилага бўлиниб яшаган. Булардан кушон (Хитой йилномаларида гулшуан) қабиласи жабғуси Каджула Кадфиз милодий I асрда қолган тўрт қабилани бўйсиндириб, ўзини ҳукмдор деб эълон қилган<sup>16</sup>. Кейинчалик подшо унвони билан давлатни идора қилган Кадфиз I Кушон подшолигига асос солган бўлиб, кейин ҳозирги Афғонистон билан Покистоннинг кўпчилик қисмини босиб олган<sup>17</sup>. Унинг вориси Вима Кадфиз ҳукмронлиги даврида Ҳиндистоннинг катта қисми Кушон подшолигига қўшиб олинди. Кушоннинг раvнақ топган даври Канишка ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади.

Ўрта Осиёда кушон мулкининг шимолий чегараси Ҳисор тоғ тизмалари бўлиб, у ерда тоғ дараларида ғоят мустаҳкам чегара деворлари қурилган. Хитой ва Парфия билан кураш олиб бораётган Кушон подшолиги Яқин Шарқда ҳукмрон бўлиш учун Парфия билан уришаётган Римнинг иттифоқчиси эди. Бироқ савдо манфаатлари бу давлатларни ўзаро яқинлаштирган. “Буюк ипак йўли” бўйлаб халқаро савдо ривожланганлиги учун қулай шароит яратилди. Шарқда шарқий Туркистоннинг қўшиб олинган шаҳарлари орқали Хитой билан, ғарбда денгиз йўли билан Эрон орқали Ўрта денгиз ҳавзасидаги Рим империяси шаҳарлари билан шимолда Хоразм ва Урал бўйи орқали Шарқий Европа билан савдо қилган. Далварзин шаҳрида

---

<sup>16</sup> Боровкова Л. А. Кушанское царство (по древним китайским источникам). — М.: Институт востоковедения РАН, 2005. — 312 с.

<sup>17</sup> А.Аскарлов, Ю.Буряков, Г.Пугоченкова и другие. Культура и искусства Узбекистана. //каталог на двух томах. М.:Внешторгиздат., 1991 г. - С.87

сиёсий ҳокимият руҳонийлар қўлида бўлиб, подшо дунёвий раҳбар бўлиш билан бирга бош коҳин ҳам эди. У кенг қўламда динлар аро мурасасизлик сиёсатини юргизган. Аҳоли асосан буддизимнинг махаяна (Ҳамма инсонларнинг ўзаро тенглиги) мазҳабига эътиқод қилган. Шунингдек мамлакатда Зардуштийлик (асосий қишлоқ аҳолиси дини) оташпарастлик, ҳиндуизм каби бошқа динлар ҳам мавжуд бўлган. Мамлакатда хунармандчилик, деҳқончилик, ички ва ташқи савдо кенг тараққий этган. Милодий III асрнинг ўрталарида Кушон подшолиги барҳам топиб Бактрия Баҳористон махсус мулк сифатида Сосонийлар давлати таркибига киргач, уни Кушон шох унвонли Сосонийлар хонадони вакиллари ирода қилган. Кушон подшолиги Рим, Парфия ва Хитой билан ҳар жиҳатдан беллаша олган. Қадимий Шарқдаги энг қудратли салтанатлардан бири бўлиб IV аср мобайнида осийликларнинг сиёсий иқтисодий ижтимоий ва маданий ҳаётига катта ижобий таъсир кўрсатган. Кушон салтанати таркибида бир неча мамлакатлар халқ ва элатларнинг бирлашуви турли мамлакатлар<sup>18</sup> ўртасида дўстлик бирлашувнинг юзага келтирди.

Далварзинтепа қадимий шаҳар ҳаробалари Шўрчи туманидаги собиқ “Далварзин” ширкат хўжалиги ҳудудида салкам 47 гектар бўлиб, икки шаҳарчадан иборат. Ҳар иккаласи ҳам алоҳида-алоҳида қалинлиги 9-10 метр келадиган мудофаа деворига эга. Деворлар ўз навбатида эни чамаси 15-20 метр келадиган хандақ билан ўраб олинган. Шу хандақларнинг ўрнида ҳозирда пахтазорларни суғориб турган Дайтўлак сойи оқади<sup>19</sup>.

Шаҳар дарвозаси ўрни фақат бир жойда бўлганлиги сезилиб турибди. Биламизки, чет эл босқинчилар ҳужуми ёки ички душман ҳамиша хавф солиб турган жой, бу шаҳар дарвозаси бўлади. Шунинг учун ҳам далварзинтепалик қурувчилар битта жойда дарвоза тиклашганлар, у подшо арки яқинида жойлашган.

---

<sup>18</sup> Пугаченкова Г.А. Искусство Бактрии эпохи Кушан.-М.:Искусство, 1979. - С.246.

<sup>19</sup> С.Турсунов, Қ.Эшбоев. Шўрчи тарихидан лавҳалар.–Т.: Fan va texnologiya, 2013. - Б.30.

Албатта, бундай шаҳарда яшаш ҳаммага ҳам насиб бўлавермаган, у ерда фақат подшо ва унинг хонадони, аслзодалар, савдогарлар, бойлар, хунармандлар яшаганлар. Оддий фуқоро эса шаҳар ташқарисида хароба кулбаларда ҳаёт кечирган. Шу кунларда ҳам унинг атрофида яшаётган ерли аҳоли кичик тепаликларда, томорқаларида, идиш товоқ, жангларда ҳалок бўлган аскарларнинг скелетларини ва бошқа қадимий буюмларни учратиб туради.

Шимолий шарқдан тўғри тўртбурчак шаклидаги шаҳар “Катта Далварзин” – Арк ўрни, сатҳи 5 га. ва унга туташган 42 гектар ерни эгаллаган “Шаҳристон” вазифасини бажарган, у ерда аслзодалар, савдогарлар, бойлар, хунармандлар ва будда дини пешволари яшаганлар. Унинг 10 метр баландликдаги деворининг қалинлиги айрим жойларда 9 м баъзи жойларда 10 метрга етади. Буларни археологларимиз шаҳар деворининг 5 та жойида кесиб қазиб кўришганда аниқлашган эканлар. Шаҳар мудофаа деворларининг узунлиги 2,5 километрга етади<sup>20</sup>.

1962 йилдаги 15 кунлик қазилмаларида Аркнинг жанубий ғарбий бурчагида дастлабки қидирув қазил ишлари ўтказилганда, подшо саройи деворининг қалинлигини аниқлашга улгурилган. Унинг ўрнида милоддан аввалги III аср охири ва II асрларда илк бор шаҳарча пойдеворига биринчи қаторига (қалинлиги 5 метр 20 см) терилган катта ҳажмдаги хом ғиштлар (45x45x12-13см) ва иккинчи қаторига эса бироз кичикроқ ҳажмда (35x35x11-12 см) қалинлиги 4 м 70 см ғиштлар терилган натижада бу мудофаа деворининг умумий қалинлиги 9 м 90 см га тенг бўлиб қолди<sup>21</sup>.

Деворларнинг икки хил ҳажмдаги хом ғиштлардан тикланган ва олимларнинг кейинги йилларда аркнинг жанубий шарқий қисмида ўтказилган қазилмаларда ҳам кузатилган эди. Натижада шаҳар арк қисмининг умумий архитектурасини билиш учун унинг марказий қисмида

---

<sup>20</sup> Турғунов. Б. Далварзинтепа. (Жанубий Ўзбекистоннинг қадимий маданиятидан лавҳалар) номли қўлёзма. Термиз 2018- Б.18.

<sup>21</sup> Турсунов С., Қ. Эшбоев. Шўрчи тарихидан лавҳалар. –Т.: Fan va texnologiya, 2013. - Б.47.



олиб борилган қазилма ишларида маълум бўлдики илк бор бу жойда миллоддан аввалги I асрда табиий тепалик ўрни текисланиб устига шу 5 гектарлик жой ўрнида янги шаҳарча барпо қилинганлиги сўнгра кўп вақт ўтмасдан Кушон империяси равақ топиб гуркираб кетганида (мил авв I аср охири ва I миллодий аср бошлари) шаҳар аҳолисининг кўпайиши боис иккинчи қатор (ташки қисмида) муҳофаа девори билан муҳофазалангани аниқланди.

Агар баландлиги 20 метр келадиган подшо саройи устидан шаҳарга назар ташласак кўчалар, майдонлар, ҳовузлар, ҳовлилар ва қадимий бинолар ўрни-режаси (плани) яхши сезилиб туради. Шаҳарда уйлар кўп бўлган кўчалар эгри-бугри тушган. Шаҳар дарвозасининг ягона бўлиши, деворларининг қалин қурилиши ва унинг ўртасидаги аскарлар юриши учун махсус йўлаклар қолдирилиши, қолаверса, кўчалар шаҳарга бостириб келган душман ёки ёлланма аскарларнинг адашиб қолиши учун мосланиши Кушонларнинг шаҳар қуришдаги маҳоратидан далолат беради. Деворларда ҳақиқий шнаклардан ташқари сохта шнак ҳам қўйилган. Шунча кўп шнакни кўрган душман қанчалик даҳшатга тушишини тасаввур қилсак, бу шаҳар нима сабабдан кўп йиллар мобайнида душманлардан енгилмаганлиги ва гуркираб яшаганини тушуниш мумкин. Агарда шаҳар деворларининг қалинлиги ва баландлигини ҳисоблаб чиқсак, неча миллион ғишт кетганлигини ва ўрта ҳисобда қанча одам ишлаганлигини билиб олинади. Энди шаҳар дарвозаси орқали асосий кўча бўйлаб шаҳристон ичига кириб, у ердаги биноларга назар ташлайлик.

Шаҳарга кираверишда, ўнг томонда, битта тепалиқда қазилма ишларини олиб борилганида, унинг ўрнида 12 хоналик уйи бўлиб чиқди. Хоналарда рўзғорда кенг ишлатилган идишлар I-II асрларга оид мис тангаларни учратиш мумкин. Айниқса ип йигиришда ишлатилган 60 та урчук боши қазиб топилган. Улар мрамартошдан суяқдан ва сополдан тайёрланган экан. Мунчоқ ва кубба тайёрлайдиган ўйма қолиб турли туман сопол идиш

товоқлар ва қадахлар кўплаб учради<sup>22</sup>. Бу уйдан ўтиб шаҳар марказидан шимолий-ғарбга йўл олсак рўпарамизда бир бирига туташган баланд-баланд тепалар гавдаланади. Подшоҳ саройининг рўпарасида кулоллар маҳалласи очилди. Унда 11 та хумдон кулол устахонаси ва ўзлари истиқомат қилган бир нечта хоналар бор экан. Маълумки, ўтмишда ота-боболаримиз рўзғорда асосан хумдонда пиширилган сопол идишларидан фойдаланганлар. Бинода топилган идиш-товоқларнинг нафис ва бир биридан гўзал қилиб ишланганлиги аждодларимизнинг кулолчилик соҳасида ҳам юқори санъатга эришганликларидан дарак беради.

Шахристон ғарбий қисмидаги девори билан кулол биноси ўртасидаги катта майдон теп-текис ҳолда сақланиб қолган. Кейин кулол албатта бу жойда тайёрланган сопол буюмларини офтобда қуритган бўлса керак. Кулол уйдан чиқиб шаҳарнинг ғарбий девори бўйлаб шимол томон юрилганда майдони ва баландлиги билан ҳам бошқа тепаликлардан ажралиб турган ёнма-ён бирлашган, иккита қазииш ишларини олиб бориб, анча таҳсинга молик топилмалар топилган. Кейинчалик буларнинг атрофидаги уйларни “бой-зодагонлар маҳалласи” деб номланди. Чунки шов-шувларга сабаб бўлган салкам 36 килограмм келган олтин хазина ва фил суягидан тайёрланган, дунёдаги энг қадимий деб ҳисобланмиш, шахмат доналари ҳам шу уйларнинг биридан топилган эди.

Узун кўчадан иборат, эни 4 метрли йўлак орқали иккала уйларнинг 6 ва 15 метр келадиган айвонларига кирса бўлади. Бу айвонларга эса шаҳар кўчалари келиб тақалган. Айвонларда 6 та ва 8 тадан ёғоч устунлар бўлган. Бу устунлар сақланмаган, аммо улар остига ўрнатилган маҳсул ишланган оҳактош тагкурсилар икки минг йилдан бери ўз ўрнида турибди. Биз бу шаклдаги тош тагкурсиларни эски Термиз ёдгорликлари - Қоратепа, Фаёзтепаликларида, Холчаёнда, Хотинработда, Айритомда ҳам учратиш мумкин.

---

<sup>22</sup> Пугаченкова.Г.А. Кирпич из построек Дальверзинтепе //Ташкент. Фан.1982. - С.47

Айвондан даҳлизга ўтиб, сўнг асосий кенг эшик орқали марказий хона-меҳмонхонага кириш мумкин. Меҳмонхонанинг эни 11, бўйи 16 метр, ғиштин деворнинг қалинлиги 3 метр (қалин девор қилишдан мақсад ҳавони қишда иссиқ ёзда салқин сақлаб туриш учун бўлса керак). Хона ўртасида 4 жойида терилган харсанг тошлар сақланиб қолган, бу ерга ҳам, албатта, том устуни ўрнатилган бўлса керак. Даҳлиз ва меҳмонхона уч томондан (бир томони айвон) эни 3,5 метр, узунлиги 20 ва 55 метрли йўлак билан ўраб олинган. Бу йўлак орқали меҳмонхонага ва даҳлизга икки томондан кириш мумкин. Меҳмонларни кутиб олиш ва кузатишда уй эгаларига анча қулайликлар яратиш мақсадида бундай йўллар қилинган бўлса керак.

Асосий зал атрофига эса катталар ва болалар учун ётоқхона, омборхона, ибодатхона, пишиқ ғишт териб ишланган ва сув юбориш учун махсус сопол қувур ўтказилган ҳаммом жойлаштирилган. Хар бир уйда 16 та ва 23 хона борлиги ва қимматбаҳо жихозлар уй эгалари шаҳарнинг бадавлат ва эътиборли кишилари бўлганликларини кўрсатади. Меҳмонларни ҳайратга солиш учун айрим хоналарнинг деворлари рангли (кўпроқ қизил, кўк, сариқ ранглар), милoddдан аввалги I аср тасвирий санъатининг намуналари учратилган. Ноёб парчаларда от чоптириб кетаётган аскар тасвирланган. Ўша даврга мансуб дунёвий мазмундаги тасвирий санъат мавжуд экан. Айримларида ҳайкаллар қадаб қўйилган, шифтларга ўймакор нақшли ёғочлар терилган.

Буни қарангки бинода ишлатилган (оқава) сувларни ташқарига чиқариб ташлаш учун махсус сопол қувурлар териб қўйилган экан. У жуда пухта жойлаштирилган. Ҳозирги ер сатхидан деярли 6 метр чуқурликда уйларнинг остидан ўтиб, айвондаги кенг ва чуқур ҳовузга келиб тарқалган. Қувурларнинг хар бирининг узунлиги 1 метр, диаметри эса 0,5 метрга тенг. Ҳозирча 26 метр узунликкача қазиб кўрилган холос. Унинг давоми шаҳарнинг ғарбий деворига қараб йўналган, балки биз юқорида айтган,

кадимда шаҳар атрофига сув тўлдирилган хандакқа ёки ҳозирги Дайтўлак каналига бориб тақалар.

Шаҳарнинг шимолий қисми, мудофаа деворига яқинида текис майдон ўртасида чўққайиб турган тепалик остидан аллақандай бизга номаълум, маҳаллий диндорларнинг ибодатхонасини топилган экан. Бинонинг ўртасида жойлашган ибодат қилинадиган асосий хонага иккита эшикдан кириш мумкин. Эшик устига рангли суръатлар ишланган. Хона тўридаги токчага аёл хайкали ўрнатилган. Ҳайкал майдаланиб кетган, аммо унинг бош қисми бутун. Аёлнинг юзи чиройли, пешонасига тасма тақилган, сочи эса битта қилиб ўриб орқасига ташланган. Ҳайкалнинг юқори қисми тўқ қизил рангга бўялган, қош, киприklar қора рангда<sup>23</sup>. Токчанинг ҳамма томони рангли суръатлар билан безалган.

Шаҳарнинг шарқий бурчагига яқинроқ ерда бир хонанинг ичидан ерга қатор қилиб кўмиб қўйилган олгита бус-бутун хумлар қазиб олинган. Хумлар ёнидан чириб кетган латгаларга алоҳида-алоҳида тўртта-бештадан қилиб ўралган Кушон мис тангалари топилган. Тангалар ўттизга яқин, уларнинг Васудева исмли подшо томонидан зарб қилинганлиги аниқланди. Васудева Кушон салтанатининг сўнги ҳукмдорларидан ҳисобланади. Хумларнинг ички деворларига ёпишиб қолган аллақандай қоришмалар бор. Бу ерда эҳтимол майхона жойлашган бўлса керак. Тангаларга келадиган бўлсак балки майхона эгасининг савдосидан тушган пули бўлса керак. Шундай хумларни Далварзинтепа шаҳри ташқарисидаги май тайёрлайдиган жойида ва Ангор тумани Шўртепа ёдгорлигидаги қазилма ишларида ҳам учратишган.

Юқорида баён қилинган лавҳалар ўша мангуликнинг зарралари дея янглишилмаган бўлади. Зотан, улар бир неча йиллардан кейин ҳам ўша ўтмиш тарихини, маданиятини, санъатини, ҳаётини, турмуш тарзини намоён этиб туради.

---

<sup>23</sup>Тургунов.Б.А. Раскопки второго буддийского храма на Дальверзинтепе (предварительное сообщение).// Ташкент: Фан. 1989. - С. 81-95

Кекса ўтмишда қайд этилган узоқ аجدодлар яратган маданият ва санъат дурдоналари қаторидан Сурхон водийсидаги Далварзинтепа археологик объектидан топилган топилмалар ҳозирги кунгача XXI аср кишиларини хайратга солмоқда. Уларнинг мақтовига, олқишига сазовор бўлиб қолмоқда. Далварзинтепа археологик объектини сақлаш ва уни келажак авлодга етказиш ва ривожлантириш масаласини давлат даражасига кўтариш зарур.

## **1.2. Далварзинтепада олиб борилган тадқиқотлар**

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида жойлашган Далварзинтепа ёдгорлиги 50 йилдан буён археологлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Далварзинтепа милоддан аввалги II асрда қишлоқ сифатида пайдо бўлиб, милодий I асрга келганда ҳудуди 47 гектарга эга бўлган йирик шаҳарга айланиб, Кушонлар империясининг пойтахти сифатида раванқ топади<sup>24</sup>.

Далварзинтепа манзилгоҳида 1962 йилдан бошлаб илмий тадқиқот ишларини олиб борилмоқда. Экспедиция 1967 йилда мукаммал археологик қазилма ишларини олиб бориб, катта натижаларга эришди. 1968 йилда Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида “Кушонлар даврида Марказий Осиё” мавзусида ўтказилган халқаро илмий анжуманда илк бора Далварзинтепадан топилган ҳайкаллар, кулолчилик буюмлари, шаҳар мудофаа иншоотларини ўрганиш билан боғлиқ маълумотлар илмий жамоатчиликка тақдим этилди. Анжуманда Чағониён давлатининг дастлабки пойтахти Далварзинтепа эканлиги илмий тадқиқотчилар томонидан асослаб берилиб, милоддан аввалги II аср охири I асрларда ҳозирги Далварзинтепа ўрнида кичик манзилгоҳ пайдо бўлиб, Кушонлар даврида Далварзинтепа шаҳар сифатида давлат марказига айланганлиги қайд этилди. Илк ўрта асрларда Кушонлар давлати ҳудудида Далварзин йирик шаҳар маркази бўлиб, унинг ҳудудида бир қанча маҳаллалар,

---

<sup>24</sup> Пугаченкова Г.А. Искусство Бактрии эпохи Кушан.-М.:Искусство, 1979. - С.246.

шоҳкўчалар бўлиб, кўчаларнинг кенглиги 12 метрни ташкил этган. Бу ердан зодагонларнинг иккита уйлари аниқланди. Сурхон воҳасида кушонлар даврига оид 130 та ёдгорлик мавжуд бўлиб, шундан 80 таси қишлоқлар кўринишидаги манзилгоҳлар ҳисобланади. Далварзин шишасозлари 420 йилда Хитой пойтахтида турфа рангдаги шишалар тайёрлаб хитойликларни лол қолдирганлар. 1972 йили Далварзинда 200 метр девор қолдиқлари топилиб, унинг эни 4,6 м баландлиги 2,5 м келади. Далварзинтепа атрофида девор билан ўралган арк харобаси бўлиб, арк деворининг узунлиги 130 м га, баландлиги эса 2,5 м га тенгдир. Далварзинтепанинг шарқий қисмида ҳатто 80 м масофада эни 4 метрлик тош йўл қовлаб очилди<sup>25</sup>. Булардан ташқари, бу ерда бир неча тўрт бурчакли пахса деворли уйлар топилди. Далварзинтепада топилган 900 тага яқин тош ўроқ, жез ўроқ, ёрғучоқ, дон учун қовланган ўра ҳамда куйиб кўмирга айланган арпа, буғдой, тарик, сули донлари ва бошқа ашёлар қадимги далварзинликлар асосан деҳқончилик билан шуғулланганлигини кўрсатади<sup>26</sup>. Археологик топилмалар: суякдан ясалган буюмлар, жез игна ва бигизларга қараб ҳукм қилганда, аҳолининг турмушида тўқувчилик ва тикувчилик кенг тараққий этганлигини кўради. Далварзинда дегрезлик ва мискарлик анча тараққий қилган, чунки бу ёдгорликлардан жуда кўп темир буюмлар: жез, ўроқ, пона, пичоқ, камон ўқларининг пайконлари, найза учлари, зеб-зийнатлар, жез ойналар, билакузуклар, исирғалар, чўмичлар, мунчоқлар ҳамда турли хил жез буюмлар қуйиладиган тош қолиплар, шунингдек, дегрезлик кўрасининг 5 та қолдиқлари топилганлиги буларнинг яққол далилидир. Археологик тадқиқотлар натижасида 1972 йили жаҳонга машҳур бўлган 36 килограммни ташкил этган олтин безаклар ва ёмбилардан иборат ноёб хазина ва фил суягидан ишланган, дунёда энг қадимий бўлган шахмат доналарини ўз ичига

---

<sup>25</sup> Л.И. Ремпель. Дальверзинтепе. Кушанский город на юге Узбекистана. // Ташкент: Фан. 1987. - 240 с.

<sup>26</sup> Дальверзинтепе и некоторые общие вопросы истории и культуры Северной Бактрии. Г.А. Пугаченкова. // Ташкент: Фан. 1976. – С.176

олган Далварзинтепа хазинаси топилди. Хазинада 115 та олтин буюмлар бўлиб, булар ёмбилар, билагузуклар, олтин шодалар ва бошқа тақинчоқлардан иборат. Тақинчоқлар жуда оғир, ҳатто битта билагузук 872 г соф олтиндан иборат бўлиб, нозик дид билан ишланган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки хазинадаги тақинчоқлар турли шаклдаги билагузук ва зираклар, қизғиш рангли қимматбаҳо тошга ўйиб ишланган, эркак тасвири туширилган бўйин тақинчоғи, тилла ипчалардан тўқилган ва 5 қатор тизилган шодалар бўлиб, улар заргарлик санъати юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Чунки заргарлар томонидан тайёрланган олтин шода тақиладиган қисмининг иккала томонига 10 тадан ортиқ феруза ва ёқут тошлар нафис ва гўзал қилиб, қадалган. Хазинадаги тўғри бурчак шаклида тайёрланган ёмбилар катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг сони 21 та, аммо 10 тасида қадимий кхарошти ёзуви битилган. Далварзинтепа хазинасининг энг қимматли томони шундаки, ушбу безакларда антик дунё санъати ўз ифодасини топган<sup>27</sup>. Гарчи Далварзинтепа хазинасидаги айрим тақинчоқлар Афғонистон, Ҳиндистон, Покистондаги тақинчоқларга ўхшаб кетса-да, аммо уларнинг Шимолий Бактрия, яъни ҳозирги Чағониён давлатида яшаган қўли гул усталар томонидан тайёрланганлиги шубҳасиздир. Далварзинтепа хазинаси топилмаси аждодларимизнинг қўшни халқлар ва мамлакатлар билан қадимдан савдо-сотиқ ва маданий алоқада бўлганлигидан дарак беради. Шунингдек, илмий тадқиқотлар натижасида зодагон оилалар яшаган маҳалладан ташқари шаҳарда, аркка (қўрғонга) яқин эрда хунармандлар ва кулолларнинг уйлари ҳам аниқланди. Шуни алоҳида тақидлаш керакки Далварзинтепадан кўплаб турар жой бинолари, хунармандчилик меҳнат қуролилари, кулолчилик буюмлари ва кулолчилик буюмларини қуритиш майдончаси ҳамда 11 та хумдон аниқланди<sup>28</sup>.

---

<sup>27</sup> [www.meros.uz](http://www.meros.uz)

<sup>28</sup> Некрасова Е.Г. и Пугаченкова Г.А. Керамика Дальверзинтепе. // Ташкент: Фан. 1970. - С. 143

Шаҳар ташқарисидан қадимий шаробпазлар яшаб, ишлаган уйлар ва мусалласхоналар ҳам ўрганилди.

Далварзинда Будда динни давлат дини даражасига кўтарилиб, буддавийлик этикоди билан боғлиқ равишда ҳайкалтарошлик санъати анча юксалади. Буддавийлик дастлаб кулдорлар мафкураси сифатида шаклланган. Буддавийликда ёмонликка қарши бош кўтармаслик ғояси катта ўрин эгаллайди. Далварзинтепанинг шимоли-ғарбий қисмидан маъбудалардан бирига бағишланган ибодатхона ва шаҳар девори ташқарисида эса будда ибодатхонаси ва аслзодалар дафн этилган дахма аниқланди. Энг муҳими Далварзинтепанинг асосий шоҳкўчаси жойлашган шаҳар марказидан Будда мажмуаси – улуғвор ҳайкаллари бўлган ибодатхона топилди<sup>29</sup>. Милодий III аср охири IV аср бошларида Кушон подшолиги эфталитлар томонидан забт этилгандан кейин Далварзин шаҳри вайрон қилиниб ҳаёт фақат унинг бир қисмидагина (ҳозирги қалъа (ҳисор) шоҳ саройи ўрнида) сақланиб келган. Араблар истилосидан кейин шаҳар батамом вайрон қилиниб, ҳаёт Далварзинтепадан 10 км чамаси шарқда Будроҷтепа ўрнига кўчган<sup>30</sup>. Далварзин шаҳрининг буддавийлик таянчига айланганига шу нарса далолат берадики, бу даврда шаҳарнинг ибодатхоналари, уларнинг ёнида эса монастырлар ҳам мавжуд бўлган. Шаҳар ҳокимларининг муҳим хизматларидан яна бири шу бўлдики, улар мамлакатни бирлаштириш учун кураш олиб бориб, аҳолини ягона мақсад ва мафкура байроғи остида бирлаштириш йўлида муваффақиятли ҳаракат қиладилар.

Далварзинтепани илмий ўрганиш ҳамда ўтмиш авждодларимиз яратган моддий-манавий маданиятни ёш баркамол авлод онгига сингдириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон археологларининг илмий тадқиқотлари жаҳон олимларини Далварзинтепага

---

29 Пугаченкова Г.А. , Тургунов Б.А. Буддийское святилище в загородной зоне. // Ташкент: Фан. 1987. - С.90

30 Тургунов Б.А. Пугаченкова, Г.А Дом рядового горожанина. // Ташкент: Фан. 1967. - С.65



бўлган қизиқишини оширди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, 1989 йил Далварзинтепани ўрганиш мақсадида Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси билан Япониянинг Токиодаги Сока университети ва Кашихарадаги Археология институтининг профессори Кюдзо Като раҳбарлигида халқаро экспедиция мунтазам иш олиб бормоқда. Ушбу ҳамкорлик ишини ташкил этишда таниқли археолог ва Баҳодир Турғуновнинг хизматлари катта. Далварзинтепа йирик маданий ва тарихий археологик объект бўлиб, Ўзбекистоннинг илк давлатчилик, шаҳарсозлик тарихини ўрганишда ҳамда моддий ва маънавий маданиятимизни халқимиз онгига чуқурроқ сингдиришда муҳим манбаа бўлиб хизмат қилмоқда. Кейинги илмий изланишлар натижасида Далварзинтепа кўҳна шаҳрига милоддан аввалги III асрда асос солинганлиги аниқланди. Юнон-Бактрия даврида бу эрда кўҳандиз пайдо бўлади. Далварзин меъморчилиги Бактрия ва Юнон қурилиши тажрибаларининг синтезини ўзида акс эттиради. Далварзин шаҳрининг чеккароқ жойида милодий I асрда тикланган Будда ибодатхонасидан Будданинг боши, Бодхисатванинг маҳорат билан ишланган маҳобатли ҳайкали, фил суюгидан тайёрланган шахматнинг икки донаси топилди. Будданинг боши лой ва гипсдан ясалган бўлиб, бошининг баландлиги 39 см, эни 25 см келади. Бодхисатванинг (ўша даврга оид) ҳайкали ҳам лой ва гипсдан ясалиб, ранг билан бўялган. Унинг баландлиги 2 метр 18 см, эни 89 см. У бир пайтлар Будда бутхонасида турган ҳайкаллар гуруҳидан биридир<sup>31</sup>. Бу кўҳна топилмалар бошқа ёдгорликлар билан биргаликда 1988 йили Япониянинг Нара шаҳридаги «Ипак йўли Нарага боради» деб номланган халқаро кўргазмада намойиш этилган эди. 1995 йили эса улар Париждаги мухташам «Гранд-Палес» («Катта сарой») нинг нодир галереясида муваффақият билан намойиш этилди.

---

<sup>31</sup> Пугаченкова Г.А., Тургунов Б.А. Буддийское святилище в загородной зоне// Ташкент: «Фан». 1987. – С. 58

Далварзиннинг шимоли-шарқидан шаҳар мудофаа девори ёнидан 2--3 метр баландликда бўлган мудофаа девори топилиб, ундан уч ярусли номаълум кишилар томонидан талон-тарож қилинган қабрлар 1981 -1982 йилларда археолог олимлар Б.А.Турғунов ва С.Болеловлар томонидан ўрганилиб илмий таҳлил қилинди. Бу қабрлардан 17 та одам қолдиқлари аниқланиб, қабрлар ҳам ғиштлардан дарё ўзанига яқин кўмилган бўлиб, бу хона тўғри бурчакли 1,8- 2,6x0,- 1,0 кв метр дан иборат тор хона бўлиб, хона оралиғи ҳам ғишт билан ўралган. Хонадан чиқиш йўлаги шарқ томондан қабрга мурдалар алоҳида мартабасига кўра ҳамда гуруҳ қилиб кўмилган. Қабрлардан Хусров I Ануширван подшолиги ва Далварзин шаҳрига оид тангалар топилиб, тангалар мис ва кумушдан ҳамда бронзадан тайёрланиб, унда ҳукмдорлар тасвири турли хил тасвирлар туширилган<sup>32</sup>. Далварзин маданиятига хос юнон услубидаги терракоталарда сопол идишларга пиктографик белги тасвирлари, турли стратиграфик чизиқлар, белгили тасвирлар турли маъно-мазмуни ўзида асқ эттирган. Далварзин қадимий ёдгорлигидан 125 та грек-юнон тангалари топилиб, у Шимолий Бактрия ҳудудларида савдо-сотиқнинг ривожланганлигидан далолат бериб, ижтимоий-турмуш тарзини аниқлашда хизмат қилди. Вайрон бўлган антик давр девори устида тикланган бинонинг қачон қурилганлигини жуда аниқлик билан белгилаш мумкин<sup>33</sup>. Равоқ очилганда, ғиштлар орасидан VI-VII асрларга оид турк-сўғд тангалари чиқди. Девор қурилиши учун ишлатилган тўртбурчак ғиштлар ҳам шу даврга тўғри келади. Далварзинтепадаги антик давр истехкомининг ташландиқ ҳолатга келиб емирилиш жараёни, афтидан, IV-V асрларга тўғри келади. Мамлакат VI-VII асрларда инқироздан чиққач, истехком қулай, баланд манзил сифатида қайта қурилиб тикланади, шаҳарнинг ўзи эса хароба бўлиб қолади. Далварзинтепа аҳоли маскани сифатида араблар истилоси

<sup>32</sup> Пугаченкова Г.А, Турғунов Б.А. Дом рядового горожанина // Ташкент: «Фан». 1967. - С. 94

<sup>33</sup> Собиров К. Оборонительные сооружения древние поселений и городов Средней Азии. АКД. М. 1979. – С 92.

чоғида узил-кесил тугади, чунки аркада ҳам, шахристонда ҳам араблар келганидан кейинги даврнинг изи йўқ. Жануби-шарқий бурчакда калин девор орасида топилган конус шаклидаги кулдоннинг учта учбурчак уйма шакли бўлиб, чилим идиши сақланмаган. Бу бинода фил суягидан ясалган илгич, ярим ой шаклидаги буюм ва бошқа фил суягидан ясалган буюмлар уйма шакллари ўрни қолган билакузук ялпоқ шаклли 2 см катта миқдорда чиғаноқдан уйиб ясалган тугма топилди. Топилмалар орасида думалоқ шаклдаги мунчоқ донаси, металдан ясалган занглаган буюмлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шимоли–шарқий бурчакда III-IV қаватлар 34x34x12 см хом ғишдан терилган. Қаватлар 1,5x1,5 метр майдонни эгалаб, у 1,3 метр баландликда эди. Майдон асосан Будда ҳайкалига пойдевор қилиб 2 метр баландликда қурилган. Будда бор буйича марказга қаратиб ўрнатилган бўлиши мумкин. Будданинг улкан оёқлари шу майдончада турган, майдонча лой самон билан сувоқ қилиниб, гипс билан оқланган. Ҳайкалга дид билан ҳар томонлама ишлов берилган. Орқа тарафи буялмаган, деворга ёпишиб қурилган, фақат бош қисмига ишлов берилган. Ҳайкалнинг белдан пастки қисми яхши сақланган, унда кўп қаватли кийимларнинг устидан ташланган ёпқич ҳам бор, у оч қизил рангга буялган. Бел қисмида емирилиш излари бўлиб, улар атай синдириш ёки бўлиб олиш оқибатидир. Бош қисми оёқлари олдида ётгани бунинг исботидир. Ўйқилиш оқибатида бош қисми ёрилган, бурни синган, пастки жағи синдирилган. Орқа қисми, қўли, елка, соч қисми синган қисми яхши сақланган, унда кўп қаватли кийимларнинг устидан ташланган ёпқич ҳам бор, у оч қизил рангга буялган. Бел қисмида емирилиш излари бўлиб, улар атай синдириш ёки бўлиб олиш оқибатидир. Бош қисми оёқлари олдида ётгани бунинг исботидир. Ўйқилиш оқибатида бош қисми ёрилган, бурни синган, пастки жағи синдирилган. Орқа қисми, қўли, элка, соч қисми синган. Будданинг сочи қора рангда, усти қизил, қоши ва қорачиғи қизил чизиқ билан чегараланган. Бодхисатва ҳайкали лойдан

ясалган бўлиб, қарама-қарши томонга қўйилган, эҳтимол оғирлигидан озгина унга энгаширилган. Ҳайкал тўлиқ сақланмаган. У аввалдан белдан пастки қисми емирилган, аммо шу ҳолатда ўрнатилган. Чап қўли букилган, қорнига тегиб турибди, ўнг қўли пастга тушган, аммо тирсагидан пастки қисми йўқ. Кийим қаватлари элка қисмида ва чап қўлида яхши сақланган. Кўкрак қисмида тўғри тўртбурчакли медалон (тумор) тақилган. Бошнинг тепа қисми емирилган, аммо сақланган қисми бадавлат эканлигини кўрсатади. Қора рангли жингалак сочлари икки қатор қилиб боғич билан боғланган, ораларига тўғноғичлар қадалган. Юзи ёш, кўзи ярим очиқ, лаблари ним табассум қилиб турибди. Қошлари қўшилиб кетган. Бўйнида бир неча қатор тақинчоқ тақилган. Қимматбаҳо безатилган қатори ияк қисмига яқин тақилган. Кейинги қатори ўттизга яқин лойдан ясалган доиралардан иборат бўлиб, кўкрак қисмигача тушган. Учинчи қатори шикастланган бўлиб, озгина қисми Бодисатванинг қўли олдидаги қисми яхши сақланган. Бодисатванинг пешанасида анъанавий холи - “урна” чуқурча бўлиб сақланган, унда кичкинагина тилла безак илмак билан биркитилган. Далварзинтепа ҳайкаллари Гандраха Бодхисатваларининг анъанавий қиёфасига мувофиқ: юз бичимлари ажойиб ва ёқимли. Жингалак сочлари қалин, бош кийимлари чиройли, танаси яланғоч, бўйнида маржон, чап елкаси ва қўли оша “уттари” шарфи ташланган, “дхоти” деб аталувчи юбкасимон ҳиндча либос кийиб, камар билан боғланган, ялангоёқ Буддалардан фарқли ўлароқ, шиппак кийган. Бироқ Далварзинтепадаги Бодхисатва ҳайкалларининг бир қатор қисмлари уларни гандхарадаги ва буддизм тарқалган бошқа ҳудудлардаги ҳайкаллардан фарқи ажратиб туради. Далварзин шаҳрида Будда монастири шаҳарнинг ички қисмида жойлашиб мухташам заллари чиройли ҳайкаллар билан безатилиб оҳақтош услубида лойга ишлов бериш натижасида дид билан ишланган. Ҳайкаллар ўзининг гўзаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Будда ҳайкаллари катта кичик турли услубда базиларининг баландлиги 2,5 метр бошқалари эса кичик майда

хайкалчалардан иборат. Будда ҳайкалларида 3 таси катта бўлиб, Ботхисатва хайкали ниҳоятда гўзал ишланиб, чиройли бош кийим гулчамбар билан ўралиб, кийимлар нақшли безатилган<sup>34</sup>. Буюк кушон империяси даврида будда дини давлат дини деб эълон қилинганлиги туфайли (бошланғич даврда бу ўлкалар зардушт динида бўлган) буддизм эътиқодига ишонч кучли бўлган<sup>35</sup>. Айниқса терракотта хайкалчалар ниҳоятда нозик дид билан ишланиб Гандҳара-Бақтрия услубида шаклланган. Терракота хайкалчаларига от минган ҳарбий илоҳий Худолар, турли хил илоҳий маъбудлар, афсонавий баҳодирлар рамзи тушурилган. Шимолий бақтрияга хос она қиёфаси акс эттирилган Терракотта аёллар қиёфасини акс эттирган статуетка хайкалчалар, унинг маҳорат билан ишланган шакллари Далварзинтепа қадимий объектидан топилган<sup>36</sup>.

Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси томонидан 1972 йилда топилган Далварзинтепа хазинаси икки балдоқли сопол кўзача (ярим метр чуқурликда оғирлиги 36 кг) даги ҳар хил олтин буюмлардан иборат. Олтин буюмлар сони 115 та, улар ёмбилар, билагузуклар, олтин шодалар ва бошқа тақинчоқлардир. Хазина подшо амалдорлари, бойларга ҳар хил тақинчоқлар тайёрлаб берадиган заргарга тегишли бўлса керак. Чунки баъзи тақинчоқлар жуда оғир, ҳатто битта билагузук 872 г соф олтиндан иборат. Айниқса, нозик дид билан ишланган турли шаклдаги билагузук ва зираклар, қизғиш рангли қимматбаҳо тошга ўйиб ишланган, эркак тасвири туширилган бўйин тақинчоғи, тилла ипчалардан тўқилган ва беш қатор тизилган шода диққатга сазовордир. Олтин шода тақиладиган қисмининг иккала томонига ўнтадан ортиқ феруза ва ёқут тошлар қадалган. Хазинадаги тўғри бурчак шаклида тайёрланган ёмбилар катта илмий аҳамиятга эга. Уларнинг

---

<sup>34</sup>Пидаев Ш.П. Қадимги ўзбекистонда буддавийлик ва буддавий мерос.-Монография-альбом, Т.: Ўзбекистон., 2011. – 120 б (матн ўзбек рус ва инглиз тилларида).

<sup>35</sup>Тургунов.Б.А.Раскопки второго буддийского храма на Дальверзинтепе (предварительное сообщение). //Ташкент: Фан. 1989.- С.81-95

<sup>36</sup>Массон В.М. Сарияниди В.И. Среднеазиатская терракота эпохи бронзы. Опыт классификации и интерпретации. М.: ГРВЛ. 1973. –С 208.

жами 21 та, аммо 10 тасида қадимий кхарошти ёзуви битилган. Далварзинтепа хазинаси палеографик жиҳатдан милодий I асрга тўғри келади<sup>37</sup>. Далварзинтепа хазинасининг энг қимматли томони унинг антик дунё давр санъати қаторида тутган ўрнидир. Гарчи Далварзинтепа хазинаси даги айрим тақинчоқлар Афғонистон, Ҳиндистон, Покистондаги тақинчоқларга ўхшаб кетсада, аммо уларнинг Шимолий Бактрия, яъни ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида яшаган кўли гул усталар томонидан тайёрланганлиги шубҳасиздир. Далварзинтепа хазинаси топилмаси аждодларимизнинг кўшни халқлар ва мамлакатлар билан қадимдан савдо-сотик ва маданий алоқада бўлганлигидан дарак беради.

1960 йилдан буён “Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси” Сурхон воҳасида археологик қазилма ишларини олиб бориб, ноёб осори-атиқаларни кашф этиб келмоқда. Денов туманидаги Холчаён қишлоғида Кушон империяси бошлиғининг дам олиш саройида олиб борилган қазилмада бири-биридан ажойиб рангларда тасвирланган лойдан ишланган 35 ҳайкал топилган бўлса, 1967 йилга келиб, Шўрчи туманидаги Далварзинтепа қадимий шаҳри ёдгорлигида будда ибодатхонаси ва ганчдан ишланган ҳайкаллар топилди<sup>38</sup>.

Далварзинтепа хилма-хил осори-атиқалари билан бутун дунёга машҳур. Бу ердан топилган дунёдаги энг қадимий икки буддавий ёргорлик ва бири иккинчисига ўхшамайдиган қирқдандан ортиқ, ҳажми ярим метрдан уч метргача келадиган, лой ва ганчдан тайёрланган ҳайкаллар, олтиндан ясалган 115 дона аёллар тақинчоқлари ва зебу зийнатлари инсониятни ҳамон ҳайратга солиб келмоқда.

Кушон империясининг ерларига ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий сарҳадлари, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистоннинг Панжоб воҳалари кирган. Далварзинтепа эса Кушон

---

<sup>37</sup> [www.meros.uz](http://www.meros.uz)

<sup>38</sup> Гурсунов С.Н. Сурхондарё воҳасида моддий маданият тарихи.// - Тошкент: “Muharrir” нашриёти, 2013. – В.324

империяси гуллаб-яшнаган вақтида империянинг пойтахти бўлган. Кейинги йилларда Далварзинтепада олиб борилган қазилма ишлари давомида катта ҳажмдаги ўн бешта хум, аёллар тасвиридаги иккита терракота, жуда нафис тайёрланган олтмиш олтита енгил шиша идишлар ва катта-кичик ҳажмдаги қирқ беш дона мис танга топилган.

Далварзинтепа Кушон империясининг пойтахти бўлганидан далолат берувчи доира шаклида ковшарланган балдоқли танганинг топилиши эса дунё аҳлини яна хайратга солди. Мазкур танга мутахассислар томонидан ўрганилганда, унда 80 ёшни қоралаб вафот этган Куджула Кадфиз сулоласининг давомчиси Вима Кадфиз тасвирланган бўлиб, бу императорлик муҳри эканлиги аниқланди.

Ҳиндистонлик профессор Мукержи 1968 - йилда Ҳиндистонда буюк Кушон империяси ҳукмдори Канишканинг муҳри топилганини маълум қилган эди. Канишка эса Далварзинтепада муҳри топилган император Вима Кадфизнинг ўғли эканлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Бу эса буюк Кушон империясининг ривожланишида Далварзинтепа ўзига хос ўрин тутганлигидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда Сурхон воҳаси нафақат қадамий маданият ва санъатимиз, балки давлатчилик тарихимизда ҳам ўзига хос ўрин тутади.

Дунёдаги энг қадимий шахмат Ўзбекистонда топилди. У қадимий топилма Далварзинтепа - Ўзбекистоннинг жануб томонида яшовчи бой одамнинг хонадонидан чиқди. Бу ноёб топилма эраמידан аввалги II асрга тўғри келади. Ҳайкалтарошликка оид миниатюра шаклидаги фил шахмат фигураси (2,4 x 2,9 x 1,8 см) ва хўкиз-зебрани ёдга солувчи (1,8 x 2,2 x 1,9 см) ҳажмга эга фил суягидан ясалган. У қадимги шахмат турининг “Шатранж”га ўхшаб, фақат бу ўйин турида тўрт киши иштирок этган.

Кушон ҳукмдорлиги даврига монанд бўлиб, у Ўзбекистон, Тожикистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон ҳудудларини ўз ичига олган давлат ҳисобланган.

Ўрта Осиёда илк бор ноёб қадимий шахмат фигуралари топилганлиги аниқланди. Бу эса Ўрта Осиёга шахмат ўйини эрта кириб келганидан далолат беради, демак, Ўзбекистоннинг жанубий ерлари шахматнинг иккинчи ватани дейиш мумкин<sup>39</sup>.

Далварзинтепа археологик объектида олиб борилган қазилма ишлари орқали ушбу археологик объектнинг нафақат Ўзбекистон ҳудудидаги балки жаҳон миқёсида ҳам аҳамияти катта эканлигини кўрсатиб беради. Шу билан бирга Далварзинтепа археологик объектида ҳали очилмаган ва ўрганилиши керак бўлган ҳудудлар мавжудлиги бу археологик объектда қазилма ишларини янада кўпроқ қазилма ишлари ва изланишлар олиб борилиши, янгиликларнинг кашф этилиши керак эканлигини кўрсатади.

---

<sup>39</sup> <http://www.силквай.уз/сонтентморе/329>



## II БОБ ЎБЕКИСТОНДА АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ, МУЗЕЙЛАШТИРИШ ВА МАДАНИЙ ТУРИЗМДА ФЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

### 2.1. Жаҳондаги музейлаштирилган археологик объектлар тажрибасини ўрганиш ва уларнинг туризм инфраструктурасидаги ўрни

XX асрга келиб археологик объектларни музейлаштириш дунёнинг хорижий давлатлар тажрибасида такомиллаша бошлади. Уларнинг тез суратларда ривожланиб кетишига сабаб ташриф буюрувчилар археологик объектларини томоша қилишидан ташқари унда қачонлардир кечган ҳаётни кўра билишда бўлган. Яъни шу археологик объект билан комплекс танишув одамлар учун қизиқ ижобий жараён бўлган. Музейлаштирилган археологик объектларга нисбатан “Очиқ осмон остидаги музей” дейиш ҳам мумкин. Бундай музейларнинг пайдо бўлиши машҳур швециялик олим Артур Хаселус исми билан боғлиқ. Унинг ташаббуси билан 1891 йилда бутун оммага “скансен” очик осмон остидаги музей очилди ва Европада янги турдаги илк музей сифатида фаолият юрита бошлади<sup>40</sup>.

Музейлаштирилган археологик объектларни дунё тажрибаси мисолида ўрганган ҳолда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- Объектни ўзини музейлаштириш.
- Қазилмалар натижасида топилган буюмлар асосида бошқа жойда музей ташкил этиш.

Ҳар иккала услуб ҳам тарихий ёдгорликни максимал даражада сақлаш, асл ҳолида сақлашга йўналтирилган. Аммо биринчи услуб тарихий муҳитни яратиш учун қулай ҳисобланади. Масалан; милoddан аввалги 79 йил 29 август куни даҳшатли отилган Визувий вулқон остида қолган қадимги Рим шаҳри Помпей бугунги кунда очик осмон остидаги музей ҳисобланиб, Юнеско рўйхатига киритилган. Қадимги шаҳарни ўрганиш жараёни 1847

<sup>40</sup> Chaykowski.F. Muzea na wolnym powietkru w Europie.-Sanok, 1984; Edward P;Alexander. Arthur Hazelius and Skansen: The open air Museum/Museum Masters, Their Museum and Their Influence.-Neshville, Tenn.;American Asosiation for State and Local History, 1983.-P.239-276.

йилдан бошланган<sup>41</sup>. Бу объектни реставрация қилишда жуда катта эҳтиёткорлик билан ёндашилган. Чунки шаҳарнинг тарихий муҳитини сақлаб қолиш археолог ва реставраторларнинг зиммасига юкланган. Ҳозирги кунда Помпей шаҳри очиқ осмон остидаги музейлаштирилган объект сифатида қўйидагича қўринишга эга<sup>42</sup>.

Шаҳар 66 гектар майдонни эгаллаб деярли бутунлай ўзининг меъморий тарихи сақлаб қолган. Биноларнинг асосий элементлари яхши сақланган, аммо нисбатдан чидамсиз хом ашёдан қурилган қисмлари йўқолиб кетган. Қадимий шаҳар милoddан аввалги V асрдан милодий I асргача Этруск, Грек ва Рим маданиятлари таъсирида шаклланган. Бу тарихий ёдгорликни сақлаш учун Юнеско 106 млн. евро миқдорида пул ажратган. Охирги пайтларда Помпей шаҳрида молиявий инқироз туфайли консервация жараёнлари сусайди. Европа Иттифоқининг мутахассиси Ёханис Хан ажратилган маблағ билан шаҳарда қисман таъмирлаш ишлари олиб борди. Шу ўринда ЮНЕСКО таркибига кирган яна бир улкан маданий мерос ҳақида тўхталиш жоиз. Бу Хитойнинг Сиан шаҳрида жойлашган Син номли Терракота ҳайкаллар армияси бутун дунё маданий мероси бўлишидан ташқари мўжиза сифатида ҳам тан олинган<sup>43</sup>.

Археологик комплекс тўртта қисмдан иборат бўлиб, улар: лойдан ясалган жангчилар турган иккита катта майдон, бошқарув пункти ва битта бўш шахта. 7000 та отлиқ ва пиёдалар ҳайкаллари ҳарбий тартибда жойлаштирилган. Бу ер остида жойлашган аскарларнинг вазифаси император Син Ши Хуандини нариги дунёда ҳимоя қилишдан иборат бўлган. Археологларнинг фикрича, императорни қўриқлайдиган аскарлар сони жуда кўп ва уларнинг катта қисми топилмаган. Ҳамма ҳайкалларнинг ҳаммасини

---

<sup>41</sup> 5 Confer.J.K., Kerstler.D.L. Past perfect: Exploration of Heritage tourism//park and recreation. 2000 №2.-P.28-38

<sup>42</sup>Каулен.М.Е. Музей на рубежей: Пространство взаимодействия культур//Культурные мире: Материалы науч.конф. Типология и Типы култур: разнообразие подходов-М.,2001.-С.216-221.Каулен М.Е. Роль музея в сохранении и актуализации нематреалньх форум наследия//культура памяти. Сб науч.статей.М.,2003.- С.123-140.

<sup>43</sup> Хадсон Кеннет. Влиятельные музей. Новосибирск,2001.- С. 157

топиш учун ҳозирги тезликда ишлаб турган археолог олимларга яна 200 йил керак бўлади. Шунинг учун бу археологик объект яна кўплаб кутилмаган янгиликларни кўрсатиши аниқ. Бу объект 1974 йилда оммага эълон қилинди ва музей сифатида 1997-йил 1 октябрда очилди. Музей 6 та мунтазам ишлайдиган экспозиция залига ва учта археологик қазилмалар ўтказилган заллар, Гилдиракли жанг араваси ва отлар залидан ҳамда Син Ши Хуанди ертўласидан топилган қимматбаҳо буюмлар заллари коллекциясига эга. Музейга йилига бир миллионга яқин одам ташриф буюради<sup>44</sup>.

Юқорида мисол тариқасида айтилиб ўтилган археологик объектлар юзасида илмий изланиш ишлари давом эттирмоқда. Чунки уларни сақлаш тарихга нисбатан хурматдан ташқари давлат хазинасини бойитадиган маданий туризм соҳасидаги асосий объект ҳисобланади. Уларнинг ютуғи шундаки, археологик объектнинг ўзини музейлаштира олганлар ва шу орқали тарихий муҳитни қисман бўлсада сақлаб қолганлар. Албатта бу жиҳат туристларини эътиборини жалб қилмасдан қўймайди. Лекин, бу каби объектлар тарихни билишга йўналтирилган. Ваҳоланки, ҳар бир давлатга ташриф буюрган туристлар шу ернинг маданият, урф-одати билан танишишга интилади шу қизизқишларни инобатга олган ҳолда, археологик фактлар асосида тикланган шаҳарларни музейлаштириш ва очик осмон остиги музейларни яратиш концепсияларини ўйлаб топган олим Артур Хаселиус тажрибасига тўхталиш ўринлидир.

Артур Хаселиус Опсал университетида ўқиб шу ерда Скандинавия тиллари бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. У кўп жойларга саёҳат қилган ва шу ўринда Швециядаги анъанавий қишлоқ аҳолисининг кечираётган ҳаётини алоҳида кузатди.

XIX асрнинг 60 йилларида мамлакатда урбанизация жараёни бошланди. Бу орқали аҳолининг тўртдан бир қисми АҚШ ё бошқа давлатларга иммиграция бўлади. Ер ислохотлари қишлоқ ҳаёт тарзини

---

<sup>44</sup> Хадсон Кеннет. Влиятельные музей. Новосибирск, 2001-с 160

ўзгартиради. Қишлоқ хўжалиги саноатлашиб, миллий хунармандчилик инқирозига учрай бошлайди<sup>45</sup>. Шу пайтда А.Хаселиус урбанизациягача бўлган маданиятга тегишли кийимларни, ошхона идишларини, мебел ва меҳнат қуролларини келажак авлод учун йиға бошлайди. 1873 - йилда У Стокгольмда Скандинавия халқларининг этнографияси музейини ташкил этади. Шу музейда тўплаган экспозицияси учун 1878 - йил Парижда ўтказилган Халқаро кўргазмада олтин медал билан тақдирланган. Шу воқеадан кейин инсонлар маиший турдаги тарихда қўлланиладиган маданий аҳамиятга эга буюмларни А.Хаселиусга жўната бошлайдилар. Натижада, коллекция кенгайиб у “Шимолий давлатлар музейи” номи билан янги музей очади<sup>46</sup>.

Давлат томонидан музей учун Юргорден оролидан ер ажратилди. Лекин музей ичида йиғилган экспонатлар витриналарга экспозиция сифатида намойишга қўйилса одамларга тарихий бир воқеанинг қисми бўлиб ҳис этишга ёрдам бермаслигини ўйлаган. А. Хаселиус янги музей концепциясини ишлаб чиқди. Шунга асосан музейда тирик экспонатлар (одамлар ва ҳайвонлар) даврга мос муҳитда яшашлари керак бўлган. Янги музейни яратиш учун Артур Хаселиус 1891 йилда ер сотиб олиб 150 тадан зиёд турар жой, ферма, черковларни кўчириб келди. Улар орасида энг қадимгиси XIV асрга тегишли бўлган. Ҳар бир олиб кирилган бино географик жойлашув асосида бўлган. Ундан ташқари музей ичида жой олган ҳар бир тарихий давр кўрсаткичлари ўзининг ерига, тупроғига, дарахт ва ўсимликларига, ҳатто шу давлатга тегишли бўлган ҳайвонларига ҳам эга бўлган<sup>47</sup>. Музей ходимлари ҳар бир давр ва миллий худудлаштириш асосида иш олиб борганлар. Улар миллий костюмларда экспонат сифатида фойдаланилган уйларда истиқомат

---

<sup>45</sup> Норденсон Эваю. Вначале был Скансен//Museum, № 1, 1993.-С 25-26

<sup>46</sup> Шмелев В.Г музей под открытым небом: очерки истории, возникновения и развитие,-Киев,1983.- С.26-33: Edward P: Alexander. Arthur Hazelius and Skansen: The open air museum// Museum Masters, Their museums and Their Influence.-Neshville, Tenn,; American association a for an Local history. 1983.-P. 239-276.

<sup>47</sup> Drews G. Entwicklung der Keramikbrennofen// Acta prachistorica et archeologica. 1978/1979. Bonn. V. 9/10, 1979.-P.11.

килганлар. Ҳаттоки овқат ҳам тайёрлашган ва ташриф буюрган туристларни ҳам кутиб олишган. Уларнинг ҳаммаси реал ҳаётни яратиш учун амалага оширилган. Хаселиуснинг тажрибасидан келиб чиқиб Европа, Америка ва Осиё давлатларида археологик объектлар янги музей ҳолига келтирилиб, кўплаб туристларни жалб этиш йўлга қўйилган. Мисол қилиб, Буюк Британиянинг Нью-Йорк шаҳридаги “Джорвик Вайкинг маркази”ни айтиш мумкин.

Бу марказ қазилмалар натижасида топилган аниқ план асосида қайта тикланган. Келган туристлар тунел орқали ўтиб худди вақт машинасида сайр қилгандек бошқа даврга ўтиб кетишади<sup>48</sup>. Бу ердаги экспозиция ташриф буюрганларга қизиқарли бўлиши учун ўша давр муҳитини яратувчи мусикалардан ҳам фойдаланганлар. Марказнинг афзал томони шундаки, бу ерга оилавий ёки дўстлар билан ташриф буюрган ҳолда мазмунли ҳордик чиқариш мумкин. Кўпчилик жойларда музейлаштирилган объектлар замонавий технологиялар билан таъминланади. Бу эса археологик қатламни асл ҳолатини йўқотишга сабаб бўлади. Бундай тарихий-маданий марказларнинг машҳурлиги кўпга чўзилмайди. Шунинг учун тарихий марказлар музейлаштирилганда асосий ғоя бирон бир миллатнинг қадриятларини ифодалашни унутмаслиги керак. Исталган музейлаштирилган археологик объектга ташриф буюран инсон ўша жойга тегишли маданият билан танишишни хоҳлайди агар ўша жойдаги муҳит, мавжуд тарихий муҳитига тўғри келмаса туристларнинг қизиқиши сўнади.

Хориж музейшунослигида айнан очик осмон остидаги музейларнинг ривожланиши билан шуғулланадиган мутахасислар максимал даражада замонавий техникалардан эмас, балки экспозицияларни табиий кўринишда тузишни афзал кўрадилар. Яъни қай даражада ўша давр руҳида бўлса, шу даражада унга қизиқиш катта бўлади. Мисол қилиб; Англиядаги “Блисте

---

<sup>48</sup> Норденсен Эго. Вначалне был Скансен//museum, № 1, 1993. -с.25-26;

Хилл” қишлоғини кўриш мумкин<sup>49</sup>. Бу қишлоқ очик осмон остидаги музей ҳисобланади. Англияда XIX- XX асрлар мобайнида яшовчи оддий аҳолининг ҳаётини кўрсатадиган манзилгоҳдир. Бу музейга келган туристлар I аср орқага қиролича Виктория даврига тушиб қолишади. Ташриф буюрувчилар ўша даврдаги либосларни кийган одамларни ўз юмушлари билан шуғулланиб юрганини кўради. Саёҳат кираверишда турган банк биносидан пул алмаштириш жараёнидан бошланади. Бу банкдан туристлар замонавий пулларни пейне ва шиллингга алмаштириш имкониятига эга. Эски пулларга эга бўлиш давр муҳитига янада чуқурроқ кириш учун ёрдам берувчи омил ҳисобланади. Ҳар бир ташриф буюрган туристнинг кўз олдида гўёки ўтмиш воқеалари қайта янгиланади. Яъни қишлоқда бир аср олдин қандай ҳаёт кечган бўлса, ҳозир ҳам худди шу муҳитни сақланганини гувоҳи бўлишади. Бозор, ресторан, пиво ичадиган публар ҳам 100 йиллик анъаналарни сақлаб қолган ҳолда туристлар хизматида бу ерда хатто, нашриёт ҳам бор, у рўй бераётган воқеаларни қадимий технология ёрдамида шу давр газета қоғозига нашр этади. Оддий хунармандлар кичик устахоналарида хунармандчилик ишлари билан шуғулланишади. Ҳар бир устахона олдида хунарманддан ташқари экскурсавод бўлиб, устахона ва хунарманднинг фаолияти ҳақида батафсил маълумот беради. Бу яратилган шароитнинг ҳаммаси туристларни мозийга саёҳат қилишларига имконият яратади<sup>50</sup>.

Шунинг учун агар археологик ёдгорлик илгари ҳисобга олинган бўлса, унинг паспортини ўрганиб чиқиш лозим. Демак, ҳар бир ёдгорлик ўз паспортига эга бўлади. Бу ҳужжатда ёдгорликнинг аталиши, жойлашган жойи, жой ва ёдгорликнинг умумий сақланганлик ҳолати қисқача баён қилинган бўлиши лозим. Шунингдек, схематик тарзда бош план, план ҳамда

---

<sup>49</sup> Scott, 1958 Scott L. Pottery: A history of the technology. Oxford, 1958, vol Shipard, 1956-Shipard A. ceramics for the archeologist. Waschnon. Veuve. 1987. Veuve S. Gymnase. Archetecture, Ceramicue sculpture.//MDAFA,T.XXX,Paris.-P.23

<sup>50</sup> Scott, 1958 Scott L. Pottery: A history of the technology. Oxford, 1958, vol Shipard, 1956-Shipard A. ceramics for the archeologist. Waschnon. Veuve. 1987. Veuve S. Gymnase. Archetecture, Ceramicue sculpture.//MDAFA,T.XXX,Paris.P-24

умумий кўриниш тасвирлари акс эттирилган бўлиши керак. Борди-ю, Маданият ишлари вазирлигининг Бош бошқармаси ёки уларнинг жойлардаги ваколатли бўлимлари ҳамда музейларда ёдгорлик паспорти мавжуд бўлмаса, уни тузиш лозим бўлади<sup>51</sup>. Демак, таъмирлаш ишини тадқиқотчиликдан бошлаш керак. Тадқиқотчилик фаолияти ёдгорликнинг паспорти бор ёки йўқлигини аниқлашдан бошланади. Шундан сўнг мавжуд маълумотларга кўшимча ахборот йиғиш ишлари амалга оширилиши лозим. Бунда қуйидаги асосий тадқиқотчилик фаолият турлари амалга оширилади:

1. Археологик ёдгорликнинг умумий ҳолати билан танишиш ва шу ҳақда ёзма маълумот тузиш.
2. Тарихий манбаларни ўрганиш.
3. Илмий манбаларни ўрганиш.
4. Археологик маълумотлар билан танишиш ва янги археологик қидирув ишларини ўтказиш.
5. Муҳандислик маълумотларини топиш.
6. Архив ва музейларда тадқиқотчилик ишларини олиб бориш.
7. Халқ орасида мавжуд маълумотларни тўплаш.
8. Аналитик материаллар йиғиш.
9. Яхлит ёзма хулоса тузиш.

Шундан сўнг археологик объектни музейлаштиришда тасвирий материаллари жамланади. Яъни фотографиялари мавжуд бўлса ҳам, янгича фотосуратлар, кино, видео ва турли янгича тасвирий материал тўпланади. Мавжуд археологик материаллар тўпланиб, янгича материаллар билан тўлдирилади. Бино ва иншоотларнинг ўлчов чизмалари тузилади<sup>52</sup>.

---

<sup>51</sup> 3.Мухамедова М. Музейларнинг замонавий модификацияси. “Мозийдан садо” журнали – Тошкент, 2010.- №2-3. Б.66-68.

<sup>52</sup> 3.Мухамедова М. Музейларнинг замонавий модификацияси. “Мозийдан садо” журнали – Тошкент, 2010.- №2-3. - Б.66-68.

Ҳар қандай таъмирлаш, албатта, комплекс тадқиқотга таяниши керак. Тадқиқот обида билан дастлабки танишиш давридан бошланади. Меъмор билан муҳандис ёдгорликка оид махсус адабиётлардаги маълумотлар билан танишади. Бу ишларнинг мақсади – ёдгорликнинг бадиий қимматини, ундаги ўзгаришларни, мустаҳкамлигини аниқлашдир. Одатда, дастлабки кузатув бўлғуси таъмирчига топширилади. Дастлабки изланишлар натижасида тадқиқий ишларнинг ҳажми, таркиби ва йўналиши аниқланади. Тадқиқот ёдгорликни атрофлича ўрганиш дастурини ўз ичига олади. Тадқиқот ўзаро боғлиқ бўлган икки: меъморий ва муҳандислик-техник қисмлардан иборат.

Музейшуносликда муҳандислик тадқиқининг муҳим қисми — тажрибахона ишларидир. Археологик объектнинг мустаҳкамлиги, намлиги, шўрҳоклиги, ғоваклиги каби физик-механик хусусиятлари ўрганилади. Конструкцияларга биологик организмлар етказган шикастлар аниқланади. Муҳандислик тадқиқотларга ҳам геология, кимё. металлшунослик каби соҳаларнинг мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Библиографик ишлар ва архив тадқиқотлари ёдгорликдан ташқарида ўтказиладиган тадқиқотлар сирасига киради. Обида тўғрисидаги матн ёки суръат тарзидаги ҳамма манбалар тўпланиши лозим. Бундай манбалар нашр этилган ёки нашр этилмаган, яъни тарихий-библиографик ёки тарихий-архив тарзда бўлиши мумкин.

Таъмирчи меъморни, аввало, археологик объектнинг қурилиш тарихи, айниқса, йўқ бўлиб кетган жиҳатлари қизиқтиради. Шунинг учун, биринчи навбатда, археологик объектнинг қурилиш шарт-шароитлари: тарихий вазият, қурилиш вақти, фармондори (буюртмачиси), устаси тўғрисидаги маълумотлар тўпланади ва музейлаштириш ишларига рухсат олинади.

Юқорида объект учун унинг атрофи — меъморий муҳити ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилган эди. Шу жиҳатни назарда тутиб обида жойлашган ҳудуднинг (жойнинг) тарихига, у ернинг даврма-давр



Ўзгаришларига алоҳида эътибор берилиши керак. Обида билан боғлиқ бўлган муҳим тарихий воқеа ва шахслар аниқланиши лозим<sup>53</sup>.

Археологик объектни ўрганиш тарихи ҳам муҳим. Тўпланган илмий изланиш натижаларидан фойдаланиш зарур. Аввалги таъмир ишлари (агар ўтказилган бўлса) алоҳида синчковлик билан ўрганилиши керак. Тарихий-библиографик ва тарихий-архив илмий ишлар натижасида ёдгорлик тўғрисида тарихий маълумотлар тузилади.

Тарихий маълумот ўзаро боғланган, кетма-кет баён этилган матн тарзида ёзилади. Маълумотлар мутлақ ишончли бўлишига алоҳида эътибор берилади. Шунга кўра маълумотларнинг ишончилилик даражаси матнда ўз ифодасини топиши лозим. Бу ўша маълумотларнинг қимматини оширади. Ҳозирги замонда обидаларни ўрганишда компьютер техникасидан фойдаланиш керак. Компьютерлар ёрдамида чизмалардан нусхалар олиш, уларни катталаштириш, кичиклаштириш каби ишларни бажариш мумкин<sup>54</sup>.

Юқоридаги келтириб ўтилган янги талқиндаги музейларни фаолиятларини ҳисобга олган ҳолда шуни айтиш мумкинки, ХХ асрда пайдо бўлган янги шаклдаги музейлар анъанавий музейларнинг вазифасини кенгайтирди яъни олдин музейларнинг вазифаси йиғиш, сақлаш, экспозиция қилишдан ташқари замон, макон ва ҳаракатни ҳам кўрсатишдан иборат бўлган<sup>55</sup>. Бу қўшимча вазифалар музейга янги ҳаёт бағишлади десак муболаға бўлмайди. Шу ўринда Ўзбекистонда ҳам археологик объектларни реконструкция қилган ҳолда янги археологик музейлар яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

---

<sup>53</sup>Мухамедова М.Музейлар учун инновацион ахборотлаш тизимларини жорий қилиш муаммолари. Ўзбекистоннинг маданий ёдгорликлари: муаммо, ечим ва истиқболлари” Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. – Тошкент, 2012. - Б.117-121.

<sup>54</sup>Мухамедова М. Музейлар учун инновацион ахборотлаш тизимларини жорий қилиш муаммолари.Ўзбекистоннинг маданий ёдгорликлари: муаммо, ечим ва истиқболлари” Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. – Тошкент, 2012.- Б.117-121.

<sup>55</sup>Мухамедова М. Ўзбекистонда замонавий музей иши ривожиди инновация, модернизация, глобализация, интеграция жараёнларини тадбиқ этиш муаммолари.Ўзбекистон Миллий университети. “Фан соҳасида инновациялар: назария ва амалиёт” Республика анъанавий илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент, 2011. - Б.116-119.

Ўзбекистон худудида жойлашган минглаб археологик объектлар сирлиликча қолиб кетмоқда. Ўрганилган кўпчилик археологик объектлар масалан Бухоро вилоятидаги Пойкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги Мингўрик, Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа, Қорақалпағистон Республикаси Эликқалъа туманидаги Тупроққалъа ва бошқа объектларнинг тор йўналишда ўрганилганлиги, уларни туристик маршрутга киритиш учун тўсиқ бўлмоқда. Жаҳондаги йирик музейлаштирилган археологик объектлар тажрибасида келиб чиққан ҳолда археологик объектларни музейлаштирилганда этнографик жиҳатларни очиб беришга урғу қўйиш шу объектга нисбатан туристлардаги қизиқишни янада кучайтиришга олиб келишини кўриш мумкин. Миллий урф-одат ва анъаналарни дунёнинг турли нуқтасидан келган туристларга кўрсатиш ўз ўрнида ҳам қизиқарли, даромадли ҳисобланади. Бундан ташқари, туристларга хизмат кўрсатиш орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳам ижобий ҳолатлардан ҳисобланади. Ҳар битта туристга хизмат кўрсатиш 4-7 кишини иш билан таъминлаши мумкин. Туризмни ривожлантиришдаги чора-тадбирлар давлат томонидан белгиланган. Уларни амалга ошириш учун катта маблағ ва мутахасисларга эҳтиёж каттадир<sup>56</sup>.

Маданий меросни сақлаш жамият олдида турган муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Азалий қадимийлик бизгача етиб келган археологик ёдгорликларни ўз ичига олувчи бой моддий маданиятни етказиб келган, ачинарлиси шуки, улар харобалар ёки тупроқ ва ер қатламининг тагида қолиб кетмоқда. Узоқ ўтмиш архитектура ёдгорликларини тадқиқ этиш илмий археологиянинг самараси туфайли ўз ривожини топди. Қазилар ишларида археолог олимлар билан бир қаторда архетектор-реставраторлар ҳам фаол иштирок этиб келмоқда, улардан эса архитектура ёдгорликларини тадқиқ этиш ташаббуси келиб чиқади. Бу анъана археологик ёдгорликларни сақлаб

---

<sup>56</sup> Мухамедова М. Музей ва туризм. Мозийдан садо. –Тошкент, 2016. - №4. - Б.18-19.

қолиш билан бирга давлатга ҳам маданий ҳам моддий бойлик манбаи сифатида хизмат қилади. Табиийки ҳар бир музейлаштирилган объектни туризм инфраструктурасида фойдаланилганда давлатга катта даромад олиб келади. Бундан ташқари табиий ландшафт услубида сақланган объект келажак авлод учун ижобий таъсир кўрсатиши аниқ.

## **2.2. Далварзинтепа археологик объектини музейлаштириш масаласи ва миллий туризм ривожигаги ўрни.**

Ўзбекистонда тарихий-маданий, меъморий, археологик жиҳатдан қизиқарли бўлган 7 мингдан ортиқ объект бор. Ана шу объектлар хорижликларни оҳанграбодек ўзига тортади. Тадқиқотчи Б.Тўраевнинг таъкидлашича, “улардан 545 таси меъморчилик, 575 таси тарихий, 1457 таси санъат ёдгорликлари, 5500 дан ортиқ объект археологик жиҳатдан қадрли ҳисобланади. Лекин туристик талабга улардан атиги 140 таси жалб қилинган. Юқорида санаб ўтилган объектлардан 200 тадан ортиғи таъмирланмоқда. 500 таси таъмирталаб. Уларга ҳар йили катта миқдордаги маблағ сарфлаш лозим бўлади. Бошқа мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, кўплаб туристлар учун ўша таъмирлаш жараёнининг ўзи ҳам қизиқарлидир. Шу жиҳатдан Ўзбекистонда бир неча минг археологик объектлар мавжуд. Бундан ташқари Республикамизда 300 дан ортиқ музей, 1200 халқ ижоди корхоналари бор. Туристлар ташриф буюрадиган объектлар сони Тошкентда 144 та, Самарқандда 118 та, Бухорода 221 та, Хивада 310 дан зиёд. Аммо маълумки, бу катта туристик салоҳиятдан фойдаланиш ҳолати жуда паст даражада<sup>57</sup>.

Мамлакатимизда миллий, маданий объектларимизни асраш, туризмни ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг кўламли ишлар амалга

---

<sup>57</sup>To'rayev.B. Turistik faoliyatda menejment tizimini takomillashtirish. Dessertatsiya avtoreferati. Samarqand,2015,6-15.

оширилди. Жумладан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>58</sup> ҳам мамлакатда туризмни ривожлантиришга алоҳида тўхтаб ўтилган. Туризмни шакллантиришда маданий обидаларнинг аҳамияти катта. Сабаби археологик объектлар давлат учун ҳам маданий, ҳам моддий бойлик манбаи сифатида хизмат қилади. Табиийки, ҳар бир музейлаштирилган объектни туризм инфраструктурасида фойдаланилганда давлатга катта даромад олиб келади. Бундан ташқари, табиий ландшафт услубида сақланган объект келажак авлод учун ижобий таъсир кўрсатиши аниқ. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Инвестицияси бўйича давлат қўмитаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда кичик туризм зоналари ҳудудида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грандлар яъни беғараз молиявий ёрдамларини ҳамда тижорат банкларини кредитларини белгиланган тартибда жалб этилиши таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика музейлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, қадимий шаҳарларда музей-қўриқхона фаолиятини такомиллаштириш ишлари амалга оширилди. Музей-қўриқхонанинг экспозиция залларида янги экспозициялар ташкил этиш ва ёдгорликларни босқичма-босқич таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда<sup>59</sup>.

Музейшуносликда инқироз ҳолатидан чиқиш ҳозирги музейшунослар олдида турган долзарб муаммолардан биридир. У турли хил йўналишларда, турли хил даражада олиб борилмоқда. Шулардан бири, регионал музей қўриқхоналарнинг ташқи ижтимоий-иқтисодий алоқаларини ўзгартириб

---

<sup>58</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралда қабул қилинган ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси то’ғ’рисидаги” фармони\O’R QHT,2017-у.,37-сон 982-модда.

<sup>59</sup> Альмеев Р.В Бухара город музей.-Т,;Фан 1999. -С.127.

юборувчи янги методларни, шаклларни ва йўлларни излаш тадқиқотчилар томонидан кўпроқ ўрганилиб чиқилмоқда.

Ўзларига ишониб топширилган маданий бойликларни сақлаш ва кўпайтириш учун музей-қўриқхоналар қаторида янги археологик объектларни ўрганган холда туризм инфраструктурасига киритиш муҳим омиллардан саналади.

Музейшуносликда ёдгорликлар билан ишлаш бўйича асосий вазифа маданий бойликларимизни асраш, обидаларнинг эстетик ва бадиий қийматини оммага етказиш, улар билан қизиқувчи хорижий ташкилотларга тушунтириш ишларини олиб бориш каби бир қанча ишларни амалга оширишдир.

Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётдаги янгиланишлар археологик объектлар фаолиятига ҳам бевосита тасир ўтказмоқда. Музейлар фаолияти йўналишларини ва уларнинг тараққиёти концепсиянинг бир қисми археологик объектларни музейлаштириш ишини ривожлантириш долзарб масала бўлиб қолди.

Ёдгорликларни ўз жойида рўйхатга олиш, муҳофазалаш ва археологик объектларни халқаро тажрибалар асосида музейлаштиришни киритиш учун бир қанча талаб ва таклифларни ўрганиб янги услубларни ишлаб чиқиш лозим. Замонавий музейлаштириш бўйича музей археологик объектларда қуйидаги йўналишларни ўрганилиши ижобий ҳолатларни кашф этади:

- археологик объектлар бўйича замонавий музей инфраструктурасини яратиш;

- йирик хориж ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида археологик объектлар бўйича тарғибот-ташвиқот ишарини олиб бориш;

- йирик маҳаллий археологик объектлар бўйича халқаро талаб даражасига жавоб берадиган йўл кўрсаткичлар яратиш;

- машҳур туристик фирмалар билан шартнома асосида маҳаллий археологик объектларга қизиқарли маршрутлар ташкил этиш лозим.

Археологик объектларни музейлаштириш ҳамда туризмни ривожлантириш каби ишлар барча вилоятлар каби Сурхондарё вилоятида ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда. Шу боисдан Сурхондарё вилоятида туризм соҳасида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳукумат қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, Сурхондарё вилоятида учта та кичик туризм зонаси ташкил этилади<sup>60</sup>. Булар:

- Бойсун туманида Омонхона қишлоғи, Зовбоши тоғли ҳудуди, Дарбанд қишлоғи ҳудудларини ўз ичига олган – Бойсун кичик туризм зонаси;
- Сариосиё ва Узун туманларида Хонжиза тоғ тизмалари ён бағрларида ҳамда Сариосиё тумани Сангардак қишлоғи ҳудудларида – Сариосиё кичик туризм зонаси;
- Шеробод тумани Шалқон қишлоғи, Хўжаипок туз қони ҳудудларида ҳамда ҳудуддаги мевали боғларни ўз ичига олади – Шеробод кичик туризм зонасини ташкил этилади.

Маълум қилишича, уларда замонавий меҳмонхона мажмуалари, соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар туризм аҳамиятига эга бўлган бошқа объектлар қурилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, ҳудуднинг ноёб тарихий-маданий ва меъморий обидалари билан туристларни кенг таништириш, замонавий туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш ва кўрсатилаётган туризм хизматлари сифатини такомиллаштириш, ички туризмни фаоллаштириш,

---

<sup>60</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3-май 324-сон "Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2008 йил, 44-45 сон, 444-модда

янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадлари ўсишини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди<sup>61</sup>:

1. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

2018-2019 йилларда Сурхондарё вилоятининг туризм инфратузилмаси ва намоиши объектларини ташкил этиш, мавжудларини таъмирлаш, реконструкция қилиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларнинг рўйхатини шакллантириш;

2018 йилда Сурхондарё вилоятида меҳмон уйлари ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларнинг рўйхатини тузиш;

2018-2019 йилларда Сурхондарё вилоятида ўтказиладиган маданий, кўнгилочар ва спорт тадбирларининг вақтини тузиш лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

Сурхондарё вилоятида янги ташкил этилган туризм инфратузилмаси ва намоиши объектлари ҳамда меҳмон уйлари (кейинги ўринларда туризм объектлари деб юритилади) туризм йўналишларига киритиш мақсадида улар тўғрисидаги маълумотларни республикада фаолият юритаётган туроператорларга етказилишини ва кенг тарғибот ишларини амалга оширилишини таъминлаш лозим;

туризм объектларида сифатли хизмат кўрсатилишини ташкил этиш мақсадида тегишли ўқув машғулотларини ўтказиш керак;

доимий равишда хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ва туроператорлар вакиллари учун таништирув-ахборот турларини ташкил этсин.

---

<sup>61</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон қарори//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2007 йил, № 7-б 63.

3. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги икки ой муддатда 2019 йилда Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ҳамда туристлар ташриф буюрадиган объектларга олиб борувчи йўллари таъмирлаш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг манзилли дастурини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида" 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3437-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2018 йил учун инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида" 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3507-сон қарорлари<sup>62</sup> талабларига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, Сурхондарё – хорижий ва маҳаллий туризмни кенг йўлга қўйиш учун йирик салоҳиятга эга ҳудуд. Воҳада 374 маданий мерос ёдгорликлари ва табиий мерос объекти мавжуд. Зиёрат, буддизм, агро, саноат, экологик ва соғломлаштириш туризмини ривожлантириш учун қулай имконият бор. Ҳудуднинг маданий-маърифий ва кўнгилочар, гастрономик туризми маршрутларига ҳам дунё аҳлининг қизиқиши юқори. Шунга мос равишда воҳанинг ранг-баранг туризм йўналиши белгилаб олинган. Унга кўра, сайёҳлар Тешик тош, Мачай ғори, Эски Термиз, Қирққиз, Тавка қалъаси, Термизшоҳлар саройи, Искандар кўприги, Жарқўрғон минораси, Чингизтепа, Тиллабулоқ каби 25 тарихий-маданий ва археологик ёдгорликлар билан яқиндан танишмоқда. Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат, Исо Термизий мажмуаси, Сўфи Оллоёр, Хўжа Баркух, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид макбараси, Кокилдор хонақоси сингари 14 буюк зот мангу қўним топган ёки улар номига қадимда барпо этилган гўшаларни бугунги кунда кўплаб зиёратчилар зиёрат қилишмоқда.

---

<sup>62</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2018 йил учун инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида" 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3507-сон қарорлари//Халқ сўзи, 2018-йил 24-январ



Айритом, Қоратепа, Зурмала, Далварзинтепа, Фаёзтепа, Будрачтепа, Холчаён ёдгорликларини томоша қилиб, қадимги буддавийликка оид манзилгоҳлар саналади. Бугунги кунда Далварзинтепани музейлаштириш учун бир қатор ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

2019 йилнинг 5-10 апрель кунлари Сурхандарё вилоятида “Халқаро бахшичилик санъати” фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда Далварзинтепа худудидан топилган еттита объект қайта ўрганилди ва реконструкция қилинди. Натижада кўплаб янги топилмалар топилди. Жумладан зодагон уйдан шахмат доналари, деҳқон уйдан эса хумлар топилди. Шу изланишлар натижасида бу объектларнинг бўйи 2 метрлик макети яратилди ва фестивалда оммага намойиш этилди. Қуйидаги малакавий битирув ишимни ёзишда айнан шу археологик манбалар асосига таянмоқда.

Далварзинтепа жуда катта худудни ўз ичига олувчи археологик объектдир. Шу боисдан ҳам ҳалигача бу худуд тўлиқ ўрганилмаган. Далварзинтепада археологик объектни кўриб томоша қилиш учун, шунингдек туризмни ривожлантириш учун ҳеч қандай шароит мавжуд эмас. Жумладан дастлаб, Сурхондарё вилоятига олиб бориладиган йўлларга диққат қаратадиган бўлсак йўллар жуда ачинарли аҳволда бўлиб, енгил автомобилда келмоқчи бўлган сайёҳлар 7-8 соатлик йўл ноқулайлигидан жуда чарчаб қолади. Бу очик кўриниб турган масалалардан биридир. Ишни йўлларни текис ва равон қилиб таъмирлаш дастлабки масалалардан биридир. Шунингдек туристларни ташишда темир йўллар хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳам ўринли. Бугунги кунда мамлакатда туристлар энг кам фойдаланадиган транспорт поездлар ҳисобланади. Ўзбекистон жанубий-шарқий қисмида жойлашган Сурхон воҳаси Республика минтақалари ичида энг олисда жойлашган бўлиб манзилга етиб боргунча бўлган 13-14 соатлик йўл туристларни ҳолдан тойдиради. Аммо 2011 йилда йўлга қўйилган Тошкент-Самарқанд тезювар поездлари Тошкент-Сурхондарё йўналиши бўйича ҳам тизим йўлга қўйилса маҳаллий ва халқаро туризмнинг

ривожланишига асос бўлади. Шунингдек, минтақа таркибидаги туристик марказларида енгил автомобилларни ижарага берувчи шахобчалар ташкил қилиш лозим. Шу орқали яқка тартибда сайр қилувчи туристлар сонининг ўсишини қўллаб-қувватлаш мумкин. Бундай шахобчалар нафақат хорижлик туристлар учун, балки мамлакатнинг сайру саёҳатга чиққан фуқоролари учун ҳам қулайлик яратади. Автотранспортларни ижарага бериш шахобчаларини Сурхондарё аэропорти ва темир йўл станцияларида бунёд қилиш мақсадга мувофиқдир.

Республиканинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган Сурхондарёнинг қуруқ иқлими археологик объектнинг биринчи инқирозига олиб келувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун, археологик объектнинг сақланиб қолган қисмларини муҳофазалаш муҳим вазифалардан саналади.

Далварзинтепанинг виртуал кўринишда реконструкция ҳолатини тарихчилар, археологлар ва рассомлар иштирокида яратган ҳолда, фильм кўринишида ишлаш зарур. Фильмда объектнинг барча қирралари кўрсатилиши шарт. Чунки бу ернинг шаҳарсозлиги, мудофааси, маданияти, турмушнинг ўзига хослиги эътиборга арзийди. Археологик объект атрофида махсус фильм кўрадиган павилион яратилиб, унда туристларга ҳужжатли фильмни қўйиб бериш кўзда тутилади. Айнан шу залнинг ўзида Далварзинтепа археологик объектида олиб борилган экспедицияга бағишланган фото кўргазма ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Фильм томошасидан кейин объект бўйича экскурсия ташкил этиш. Айнан шу кетма-кетлик асосида туристларга объект тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлишга имконият яратади.

Археологик объект атрофида туристлар учун барча қулайликларни яратиш ҳам муҳим вазифалардан саналади. Масалан, ташриф буюрувчилар дам олиши учун қулай, арзон ва шинам меҳмонхоналар, овқатланиши учун мазали, чиройли ресторанлар, интернет учун қулай ва тез WF тармоғи. Шунингдек, Далварзинтепадан топилган буюмлардан нусха олиниб, шулар

асосида турли тақинчоқ ва сувунерлар ишлаб махсус шу ерда қурилган кичик кўшма савдо шаҳобчаларида сотиш мумкин.

Юқорида қайд этилган Далварзинтепадаги етита объект турли табақа ва ҳунармандларга оид уйлар бўлиб, уларни қайта реконструкция қилиш замирида музей ташкил қилиш зарур. Бу бир томондан ўша давр муҳитини кўрсатиб беришга ёрдам берса иккинчи томондан туристлар оқимини кенгайтиришга кўмаклашади. Объектларни қайта тиклаётганда худди “Минг ўрик” археологик объекти каби ўша давр хусусиятини кўрсатиб бериш зарур. Шу билан бир қаторда реставрация қилинаётган объектларнинг ён атрофи девор билан ўраб олинishi керак. Ҳар бир уйни экспонатлар билан жиҳозлаш жараёнида айнан шу ҳудуддан топилган буюмларда фойдаланиш лозим. Жумладан темирчининг уйида Далварзинтепадан топилган оғирлиги 36 килограмга тенг олтиндан ясалган 115 дона аёллар тақинчоғи ва зебузийнатларни, шунингдек катта кичик ҳажмдаги 45 дона мис тангаларни ва яқиндагина топилган Вима Кадфиз тасвири тушурилган муҳрларни экспозицияга жойлаштириш мумкин. Ушбу топилма Далварзинтепа - Кушонлар империясининг дастлабки пойтахти бўлгани ҳақида назарияни яна бир бор тасдиқлади. Бу ноёб топилма Ўзбекистон жанубида жойлашган Сурхон воҳаси Кушонлар империяси даврида анча муҳим аҳамиятга эга бўлгани, маъмурий-сиёсий марказга айлантирилганини исботлайди. Ҳиндистонлик профессор Мукержи 1968 йилда Ҳиндистонда буюк Кушон империяси ҳукмдори Канишканинг муҳри топилганини маълум қилган эди. Канишка эса Далварзинтепада муҳри топилган император Вима Кадфизнинг ўғли эканлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Бу эса буюк Кушон империясининг ривожланишида Далварзинтепа ўзига хос ўрин тутганлигидан далолат беради. Ҳунарманд уйини реконструкция қилингандан сўнг Далварзинтепадан топилган аёллар тасвиридаги иккита теракота, жуда нафис ишланган 56 та енгил шиша идишлар экспозицияга жойлаштирилади. Шунингдек деҳқон уйи ҳам ўша давр муҳитига мос қилиб

кайта тиклангандан сўнг Далварзинтепага олиб борилган қазилма ишлари натижасида топилган катта ҳажмдаги 15 та хум ўрнатилади. Объектни музейлаштириш музей экспонатлари мавзусига доир асосда шаклланади. Кетме-кет жойлаштирилган хоналарнинг энг охирида ўша давр муҳити кўрсатиб берилган ибодатхона жойлашган бўлади.

Ибодатхонанинг киравериш қисмида ҳажми ярим метрдан уч метргача келадиган, лой ва ганчдан тайёрланган будда ҳайкаллари ўрнатилади. Ички қисмида Далварзинтепада олиб борилган қазилма ишлари натижасида топилган 40 дан зиёд будда ҳайкаллари жойлаштирилади. Ибодатхонага кирган инсон айнан Далварзинтепада ўша даврда ибодатхоналар қандай бўлганлигини кўриши ва бу ҳақда тушунчага эга бўлиши керак. Шу билан бир қаторда маросим идишлари ҳам ибодатхона экспозициясидан жой олади.

Сурхондарёни кўриб томоша қилиш учун бир қатор сабаблар бор. Биринчидан табиатининг гўзаллиги, ҳавосининг софлиги. Иккинчидан археологик объектларнинг кўплиги. Учинчида буддизмнинг маркази бўлганлиги. Сабаби Сурхондарёдан топилган будда даврига оид экспонатлар кўплаб Япония, Хитой, Тайланд, Шриланка ва Индонезия давлатларидан келган сайёҳларни қизиқтиради. Чунки бу давлатларнинг ўзи буддизм динига эътиқод қилганлар.

Археологик ёдгорликларни ўрганиш - бу мураккаб ижодий жараён бўлиб, махсус билим, тажриба ва катта маъсулиятни талаб этади, шу сабабли архитектор-реставратор биринчи навбатда ҳукумат томонидан ўрнатилувчи қатор кўрсатмалар билан танишиб чиқиши зарур. Қазилма ишларини, аввало, ёдгорлик турган ҳудудларда ташкиллаштириш ва амалга ошириш лозим. Пухта тайёргарлик ишлари ва тўғри режалаштиришлар орқали келгуси тадқиқот натижаларига аҳамиятли тасир кўрсатади.

Далварзинтепа археологик объектини музейлаштириш ва миллий туризмда фойдаланиш жараёнлари муаллиф томонидан олиб борилган илмий

экспедициялар асосида тадқиқ этилади ва фикр мулоҳазалар, таклифлар асослаб берилди. Ўзбекистон худудида археологик объектларни туризм инфраструктурасида ривожлантириш масалаларини ўрганиш борасида бевосита жаҳондаги етакчи археологик объектларнинг музейлаштириш ва миллий туризмда фойдаланиш тажрибалари ҳам ўрганиб чиқилди.

## ХУЛОСА

Бугунги кунда маданий мерос объектларини сақлаш, ўрганиш, уни келажак авлод вакиллариغا етказиш жамиятнинг барқарор ривожланиши ҳамда маънавий юксалишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, маданий мерос объектлари, миллатга хос кадриятлар, қадимий тарихий ёдгорликлар маънавият шаклланишининг энг муҳим асосларидан биридир. Ўзбекистонда қабул қилинган “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” ҳамда “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларда тарихий-маданий қийматга эга бўлган объектларни давлат ҳисобига олиш ҳамда моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини ва номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритиш, экспертизадан ўтказиш, ушбу ёдгорликлар бўйича илмий ва илмий-техник тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг асралиши юзасидан жорий ва истиқбол дастурларини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган.

Битирув малакавий ишини ёзишда ушбу белгиланган қонун, бир қатор фармонлар ва археологик изланишлар асос қилиб олинди ва хулосалар чиқарилди. “Далварзинтепа археологик объектини тадқиқотларини ўрганиш ва музейлаштириш” деб номланган битирув малакавий иши биринчи бобда Далварзинтепа археологик объектида олиб борилган археологик қазишма ишлари орқали ушбу археологик объектнинг нафақат Ўзбекистон ҳудудидаги балки жаҳон миқёсида ҳам аҳамияти катта эканлигини кўрсатиб берилди. Шу билан бирга Далварзинтепа археологик объектида ҳали очилмаган, ўрганилиши керак бўлган ҳудудлар мавжудлиги янада кенг кўламли қазишма ишлари ва изланишлар тадқиқ этилди.

Тарихий жараёнларда қайд этилган узок аждодлар яратган маданият ва санъат дурдоналари қаторидан Сурхон воҳасидаги Далварзинтепа археологик объектидан топилган топилмалар ҳозирги кунгача XXI аср кишиларини

хайратга солмоқда. Маданий мерос объектларини сақлаш жамият олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Турли экспедиция ва қазишма ишлари олиб борилганига қарамасдан азалий қадимийлик бугунги кунгача етиб келган археологик ёдгорликларни ўз ичига олувчи бой моддий маданий мерос харобалари тупроқ ва ер қатламининг остида эътиборсиз қолиб кетмоқда. Қазишма ишларидан ташқари Далварзинтепани музейлаштириш ишлари ҳам режалаштирилмоқда. Табиийки ҳар бир музейлаштирилган объектни туризм инфраструктурасида фойдаланилганда давлатга катта даромад олиб келади. Бундан ташқари табиий ландшафт услубида сақланган объект келажак авлод учун ижобий таъсир кўрсатиши аниқ.

Археологик обидаларини кўриқлаш, музейлаштириш уларни жонсиз кўргазма сифатида сақлаб қолишдангина иборат эмас, балки тарихимизнинг илғор анъаналарини давом эттириб, обидаларнинг инсон учун яратилганлигини унутмаслик ва уларни янги ҳаётга қайтариш долзарб вазифалардан саналади.

“Ўзбекистонда археологик объектларни тадқиқ этиш музейлаштириш ва маданий туризмда фойдаланиш жараёнлари” деб номланган иккинчи бобида Далварзинтепа археологик объектини музейлаштириш ва миллий туризмда фойдаланиш жараёнлари муаллиф томонидан олиб борилган илмий экспедициялар асосида тадқиқ этилади ва фикр мулоҳазалар, таклифлар асослаб берилди. Ўзбекистон ҳудудида археологик объектларни туризм инфраструктурасида ривожлантириш масалаларини ўрганиш борасида бевосита жаҳондаги етакчи археологик объектларнинг музейлаштириш ва миллий туризмда фойдаланиш тажрибалари ҳам ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистонда археологик объектларни музейлаштиришни такомиллаштириш учун музейшунослар археология харитаграфияси тушунчаси, тарихий харитаграфиянинг махсус тармоғи сифатидаги ўрни, археология маълумотлари асосида турли хилдаги тарихий воқеа ва

ходисаларни графика асосида харитага тушириш жараёнларни мукамал ўрганган ҳолда иш олиб боришлари керак. Улар археологлар билан ҳамкорликда археологик маданиятларнинг жойлашувини кўрсатиш, археологик маданиятлар ва этник гуруҳларнинг ўзаро алоқасини кўрсатган ҳолда музей рассомлари билан кўрғазмали жараёнларнинг тайёрланиши ҳам ижобий ҳолатлардан саналади.

Моддий маданият ёдгорликлари мавжуд жойнинг табиий географик тузилишига ва улардаги тарихий-майиший ҳолатга қараб тадқиқот ишларини белгилаш, археологик ахтариш-рекогносцировка археологик синов (разведка), муқим (станционар) археологик қазиш турларини тўғри ўзлаштирилсагина ёдгорликларни тўғри сақлаб қолинишига имконият яратила олинади. Археологик текширишнинг асосий босқичларини ёдгорликларда қўллаш ва тугалланган тарихий хулосалар чиқара билиш фақатгина археологларнинг эмас балки музейшуносларнинг ҳам муҳим вазифаси саналиши лозим.

Далварзинтепа археологик объектини сақлаш ва уни келажак авлодга етказиш ва ривожлантириш масаласини давлат даражасига кўтариш зарур.

Далварзинтепа археологик объектида олиб борилган археологик қазишма ишлари орқали ушбу археологик объектнинг нафақат Ўзбекистон ҳудудидаги балки жаҳон миқёсида ҳам аҳамияти катта эканлигини кўрсатиб беради. Шу билан бирга Далварзинтепа археологик объектида ҳали очилмаган ва ўрганилиши керак бўлган ҳудудлар мавжудлиги бу археологик объектда қазишма ишларини янада кўпроқ қазишма ишлари ва изланишлар олиб борилиши, янгиликларнинг кашф этилиши керак эканлигини кўрсатади.

Бугунги кунда туристларга исталган хизмат турини кўрсатиш имконияти мавжуд. Ўзбекистон туристик имкониятининг 33% ини архитектура ёдгорликлари ташкил қилади Ушбу битирув малакавий ишида Сурхон воҳасида туризм ривожлантириш жараёнида археологик объектларнинг ўрни ҳам кенг тадқиқ этилди. Шунингдек, Далварзинтепа



археологик обектини музейлаштириш ва миллий туризмда фойдаланиш жараёнлари муаллиф томонидан олиб борилган илмий экспедициялар асосида тадқиқ этилади ҳамда фикр мулоҳазалар, таклифлар асослаб берилди. Ўзбекистон ҳудудида археологик объектларни туризм инфраструктурасида ривожлантириш масалаларини ўрганиш борасида бевосита жаҳондаги етакчи археологик объектларнинг музейлаштириш ва миллий туризмда фойдаланиш тажрибалари ҳам ўрганиб чиқилди.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1.1. Mirziyoyev Sh. Erkin va farovon, demokratik O`zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. .- Toshkent: O`zbekiston, 2016. -59 b.

1.2. Mirziyoyev Sh. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz .- Toshkent: O`zbekiston, 2017. -488 b.

1.3. Mirziyoyev Sh. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. - Toshkent: O`zbekiston, - 48 b.

1.4. Mirziyoyev Sh. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. - Toshkent: O`zbekiston, 2017. -104 b.

1.5. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevralda qabul qilingan “2017 — 2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasi ” PF-4947-sonli qarori. 1-Ilva –B.4.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари:**

2.1 “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. // 31.05.2017 й. Халқсўзи. – 2017, 1 июнь.

2.2. “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги Фармони.- // “Халқ сўзи”.-1017.-21 ноябр.

- 2.3. “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 16.08.2017 й. ПҚ -3219.
- 2.4. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантир иши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. // “Халқсўзи”, 2017 йил 8 февраль.
- 2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2007 йил, № 7-б 63.
- 2.7. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2018 йил учун инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида" 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3507-сон қарорлари // Халқ сўзи, 2018-йил 24-январ
- 2.7. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2018 йил учун инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида" 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3507-сон қарорлари//Халқ сўзи, 2018-йил 24-январ
- 2.8. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3-май 324-сон "Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2008 йил, 44-45 сон, 444-модда.
- 2.9. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevralda qabul qilingan PF-4947 son “O'zbekiston Respublikasining yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risidagi” farmoni \ O'R QHT, 2017-y., 37-son 982-modda.

### III. Асосий адабиётлар

- 3.1. Абдуллаев К, Аннаев Т. Раскопки на городище Далварзинтепа в 1979-1981 г.г. // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 23.-Ташкент. 1990. 324 с.
- 3.2. Аскарлов.А. Буряков.Ю. Г.Пугаченкова и другие.Культура и искусства Узбекистана.-//каталог на двух томах. М.:Внешторгиздат., 1991 г. - С.87.
- 3.3. Боровкова Л. А. Кушанское царство (по древним китайским источникам). — М.: Институт востоковедения РАН, 2005. - С. 312.
- 3.3. Литвинский Б.А, Сеидов А.В. Культы и ритуалы кушанский Бактрии. Погребальный обряд.-М.,1981. – С.123.
- 3.4. Маънавият: асосий тушунчалар изохли луфати.-Т.:Ф.Фулом.,2010. 760 б.
- 3.5. Мкртичев Т.К. Буддийское искусство Средней Азии (I-X вв). М.,2002. - С.178.
- 3.6. Пидаев Ш.Р. Қадимгиўзбекистондабуддавийликвабуддавиймерос (китоб-альбом).-Т.:Ўзбекистон.,2011.- Б.120.
- 3.7. Пугаченкова.Г.А. Дальверзинтепе. Кирпич из построек // Ташкент.1982.С.232.
- 3.8. Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана.- М.: Искусство.,1965.- С.688.
- 3.9. Пугаченкова Г. Ремпель Л. Очерки искусства Средней Азии.-М.: Искусство.,1982.- С. 270,
- 3.10. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Пугаченкова Г.А. Искусство Бактрии эпохи Кушан.-М.:Искусство., 1979.- С.246.
- 3.11. Пугаченкова Г.А. Скульптура Халчаяна.-М.:Искусство.,1971.-Стр 67.
- 3.12. Ремпель.Л.И. Дальверзинтепе. Кушанский город на юге Узбекистана.//Ташкент:«Фан». 1978.- С.240.
- 3.12. Ремпель Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана.-Т.: издательство художественная

- литература.,1960.-С.328.Л.И. Цепь времен: вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. -Т.: Г.Гулям., 1987.- С.190.
- 3.13. Ртвеладзе.Е.,Дальварзинтепе — Кушанский город на Юге Ўзбекистане, Т., 1978.- С.64
- 3.14 Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый пут.-Т.: Ўзбекистон Миллий комуси.,1999.- С.280.
- 3.15. Ртвеладзе Э.В. Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши.-Т.: Санъат.,2009.- Б.240.
- 3.16. Турғунов.Б.А. Пугаченкова Г.А. Дом рядового горожанина.Т.: “Фан”. С - 65
- 3.14. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.1-жилд. Т.:ЎЗМЭ.,2000. Б.-165.
- 3.15. Ҳақимов А.А. Искусство узбекистана: история и современность.- Т.: Санъат.,2010.- С.503.

#### **IV.Журнал мақолалари**

- 4.1. Ҳақимов А.А. Марказий Осиё санъатида гедонизм. I қисм. Қадимги ва илк Ўрта асрлар санъати.-// Санъат. 2010 №2.- Б.7-12.
- 4.2. Шағалина Н. Қадимги Ўрта Осиё санъатида образ трансформацияси.-// Санъат. 2010.№2. 4-6 б.
- 4.3. Нурмухамедова Ш. Антик давр Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий санъат турларининг ўрни.- // Санъат. 2016. №3.37-39 б.
- 4.4.Илёсов Ж. Кушон Бақтриясидан топилган амалий санъат асарлари.- //санъат.,2016. №3. 16-19 б.
- 4.5. Пидаев Ш.Р. Мустақиллик йиллари Ўзбекистон археологиясидаги кашфиётлар.- // Санъат.,2006. 33. 24-28 б.

#### **V.Интернет сайтлари**

- 5.1.[www.uzintour.com](http://www.uzintour.com)
- 5.2.<https://uzbekistan.lv> > Home > News
- 5.3. [www.nara.accu.or.jp/img/dissemination/19th.pdf](http://www.nara.accu.or.jp/img/dissemination/19th.pdf)

- 5.4. [www.uzbekembassy.org/e/search/start/1/?search=oxus](http://www.uzbekembassy.org/e/search/start/1/?search=oxus)
- 5.5. <https://kun.uz/.../foto-surhondareda-kusonlar-imperatori-mur>.
- 5.6. <https://meros.uz/object/dalvarzintepa-shahar-xarobasi>
- 5.7. [uza.uz/.../society/dalvarzintepa-hamon-dunyoni-hayratga-sol](http://uza.uz/.../society/dalvarzintepa-hamon-dunyoni-hayratga-sol).
- 5.8. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Dalvarzintepa\\_\(harobalari\)](https://uz.wikipedia.org/wiki/Dalvarzintepa_(harobalari))